



ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

3 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев Чимкент шаҳрида норасмий учрашув ўтказдилар.



Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Олий даражада эришилган келишувларга мувофиқ кооперация лойиҳаларини жаддаллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Давлат раҳбарлари икки мамлакат Бош вазирлари ўринбосарлари, махсус ишчи гуруҳлар ҳамраисларининг имзоланган битимлар ва қабул қилинган қарорлар ижросининг бориши тўғрисида ҳисоботларини тингладилар.

Президентлар саноат, энергетика, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва логистика соҳаларида амалий ҳамкорликни кенгайтириш юзасидан аниқ топшириқлар берди.

Маданий-гуманитар алмашинувларни фаоллаштириш муҳимлиги қайд этилди.

Минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар, бўлажак тадбирлар режаси ҳам кўриб чиқилди.

Учрашув ҳар доимигидек очик, самимий ва дўстона муҳитда ўтди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ

МЕҲРУ МУРУВВАТ МАВРИДИ

Янги Ўзбекистон ҳозирги замон цивилизацияси шароитида жаҳон давлатчилиги илғор тажрибалари ва бир неча минг йиллик миллий давлатчилигимизнинг кадриятга айланган тамойиллари асосида юзага келди. У жаҳон ҳамжамиятида мустаҳкам мавқега, ўз сўзи ва қатъиятли сиёсий ҳулосаларига эга давлат сифатида ўзини кўрсатди.

Янги Ўзбекистон давлатининг бугунги кудрати, унинг давлат сифатидаги маҳобатли моҳияти ҳақида кўп уйлайман. Унинг ил-дизлари, асослари нималардан иборатлиги ҳусусида фикр юритаман. Катта ҳаётий тажрибам ва бир неча бошқарув усуллари, шакллари, сиёсий режими ва мафкуравий йўналишларини кўрган инсон сифатида бугунги Янги Ўзбекистоннинг бошқа давлатларга ўхшамаган, мутлақо янги ва бетақдор давлат сифатидаги жиҳатларига алоҳида эътибор бераман.

Давоми 3-бетда



ДАВЛАТ ДАСТУРИ – АМАЛДА

ЯНГИ СТРАТЕГИК МАҚСАДЛАРГА ЭРИШИШНИНГ САМАРАЛИ МЕХАНИЗМИ

Президентимизнинг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги фармони эълон қилинди. Мазкур ҳужжат, энг аввало, Янги Ўзбекистон стратегиясида белгиланган давлат ва жамият қурилишининг янги стратегик максادلари рўйбга чиқарилишига йўналтирилгани билан аҳамиятли.

Шу билан бирга, давлат дастурининг асосий мақсади этиб, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ҳамда Президентимизнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида белгиланган вазифаларга мувофиқ аҳоли ҳаёт даражасини янада юксалтириш, таълим сифатини илғор жаҳон стандартларига мувофиқлаштириш, барқарор иқтисодий ўсишга эришиш ҳамда кам-

бағалликни қисқартириш борасидаги ислохотларимизни янги босқичга олиб чиқиш белгиланган.

Давлат дастурининг бир неча жиҳатлари алоҳида аҳамиятга эга. **Биринчидан**, давлат дастурида устувор йўналишлардан бири сифатида инсон кадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш белгиланган.

Давоми 2-бетда

БУГУННИНГ ГАПИ

СИФАТЛИ АКАДЕМИК ТАЪЛИМ ҲАРБИЙ-ВАТАНПАРВАРЛИК, ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ ОМИЛИ

Олти ярим йил. Менимча, мана шу давр миллий ривожланишимиз учун катта ўзгариш ясади. Тобора интенсив ривожланаётган давлатимиз тараққиётнинг ҳар томонлама мувозанатли кечиши учун жиддий қадамлар қўймоқда. Бугун Янги Ўзбекистоннинг жаҳондаги ижобий имижини мустаҳкамлаш, самарали ташқи ва ички сиёсат юритиш мутахассислар зиммасига ҳар қачонгидан-да масъулиятли вазифалар юкляпти. Бундай мураккаб вазифаларни самарали бажариш сифатли таълим олаётган, халқимиз ва Ватанимиз манфаатларини ҳамма нарсдан устун қўядиган малакали миллий кадрларга боғлиқ.

“Таълим сифатини ошириш — Янги Ўзбекистон тараққиётининг яққа ягона тўғри йўлидир”, деди Президентимиз Олий Мажлис ва халқимизга Мурожаатномасида. Демак, соҳада бошланган ислохотларни изчил давом эттириш, таълим-тарбия муассасаларида мавжуд муаммоларни ўқитувчилар билан биргаликда ҳал қилиш, умуман, таълим сифатини ҳар томонлама яхшилаш бўйича саъй-ҳаракатларни бирлаштириш ва бир-биримизга кўмаклашимиз жуда муҳим. Бундай масъулиятли ишда



ҳар биримиз фаол иштирок этишимиз ва барча имкониятларни сафарбар этишимиз керак. Президентимиз таъбири билан айтганда, “Ҳарбий таълим ва ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида, миллий ўзлимиз, эзгу кадрларимизга садоқат руҳида тарбиялаш тизимини янада такомиллаштириш барчамизнинг энг муҳим вазифамиздир”.

Асп муаллим ва мураббийлар илм-фан, одоб-ахлоқ, ҳалол меҳнат ва ҳақиқатни севадиган камтар авлодни етиштириб берсагина тараққиёт йўлидаги кўлаб тўсиқлар бартароф этилади. Япония, Сингапур, Жанубий Корея ва бошқа мамлакатлар тажрибаси шундан далolat беради.

Давоми 5-бетда

НУҚТАИ НАЗАР

ПУЛНИ БОШҚАРИШ САНЪАТИ

Бунинг учун билим ва кўникма зарур

Ҳар бир оила аслида кичик бир жамият. Унинг ўз даромадлари, ҳисоб-китоби, қирим-чиқимлари бор. Уларни бошқариш, тартибга солиш эса бир ёки бир неча кишининг зиммасида бўлади. Аммо оиланинг умумий фаровонлиги барибир ундаги молиявий саводхонлик даражасига бориб тақалади.

Давоми 4-бетда



ЭКОЛОГИЯ

“Яшил белбоғ”

табиатнинг муҳофаза зонаси

Она замин уйғониб, яшилликка бурканадиган палла яқин. Баҳор нафаси жамики тирик жонни яшариш, қайта тикланишга руҳлантиради. Шу боис, кўклам барча соҳаларда фаолликнинг ошиши, қизгин меҳнатга киришиш палласи ҳамдир. Дехқонларимиз, аллақачон, ернинг ҳисобини олиб тайёргарликни бошлаб юборган. Ҳадемай, юртимиз бўйлаб кўчат экиш, дарахтларни оқлаш, гул ниҳолларини ўтказиш ишлари бошлаб юборилади. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасидаги вазифалар ҳам авж паллага кирмоқда.

Давоми 4-бетда

МУНОСАБАТ

ЎЗБЕК ОЛИМИНИНГ
ДУНЁ ТИББИЁТИГА ТУҲФАСИ

2020 йил 11 март куни Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) томонидан дунёда коронавирус пандемияси бошлангани расман эълон қилинган эди. Пандемия бошлангандан бунён дунёда қарийб 680 миллиондан ортиқ киши ушбу инфекция билан касалланди, 6,8 миллиондан зиёд одам вафот этди.

Ҳозир дунё бўйлаб касалланиш ва ўлим ҳолатлари камайиб бораётган бўлса-да, ЖССТ маълумотига кўра, пандемия ҳали тугамаган. Ҳозирда коронавирус пандемиясига чалинганлар сони бўйича АҚШ, Ҳиндистон, Франция, Германия, Бразилия, Япония, Шимолий Корея, Италия ва Буюк Британия каби давлатлар етакчилик қилмоқда.


Афсуски, ушбу оғат юртимизни ҳам четлаб ўтмади. Шу кунга қадар юртимизда коронавирус инфекцияси билан касалланганлар сони 251 минг 71, вафот этганлар сони эса 1 минг 637 нафарни ташкил этди. Шу вазиятда давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилган оқилona сиёсат натижасида пандемия даврини катта ижтимоий-иқтисодий йўқотишларсиз енгиб ўтди.

Буларни ҳозир нега эслаймиз, бугун Ер юзидеги эпидемиологик ҳолат уч йил аввалгига нисбатан яхшироқ-ку? Чунки бунга бепарво бўлиш ярамайди, бу вирус инсоният учун мисли кўрилмаган муаммоларни келтириб чиқарди, жаҳон иқтисодиётини вайрон қилди, инсон саломатлигига путур етказди ва кўплаб одамларнинг ҳаётига зомин бўлди.

ЖССТ хулосасига кўра, касалликка қарши максимал самарадорликка эришиш учун одамлар тўлиқ босқичда ва бустер дозада эмланишлари зарур. Айни шу боис ҳам COVID-19 вакциналарини ишлаб чиқиш бўйича глобал тадқиқот ишлари олиб борилди.

Дунё бўйлаб етакчи фармацевтика компаниялари, илмий тадқиқот марказлари ва етакчи ташкилотлар ўз вакциналарини ишлаб чиқара бошладилар. Ушбу сазй-ҳаракатлар натижасида анъанавий равишда заифлаштирилган, инактивацияланган вирус, рекомбинант аденовирус ва янги платформалардан фойдаланган ҳолда COVID-19 вакцинаси 2020 йил охиригача ишлаб чиқилди.

ЖССТ хулосасига кўра, гибрид иммунитет эгалари (касалликдан сўнг вакцина олганлар)га коронавирус юқиш эҳтимоли эмланмаган ва коронавирусга чалинмаганларга нисбатан камида 95 фоиз паст бўлади. Илмий тадқиқот натижалари эмлаш воситалари касалликнинг оғир ўтиши ва ўлим хавфини кескин камайтиришини яна бир бор тасдиқлади. Шу билан бирга, вакциналар вирусни юқтирган беморларда инфаркт ва инсульт юзага келишининг олдини олади. Бу эса бугунги кунгача миллионлаб одамларнинг ҳаётини сақлаб қолди ва "вакцинация"нинг иқтисодиёт, соғлиқ ва инсон ҳаётини таъминлашдаги муҳим аҳамиятини кўрсатди.



“ ЖССТ ХУЛОСАСИГА КўРА, ГИБРИД ИММУНИТЕТ ЭГАЛАРИ (КАСАЛЛИКДАН СўНГ ВАКЦИНА ОЛГАНЛАР)ГА КОРОНАВИРУС ЮҚИШ ЭҲТИМОЛИ ЭМЛАНМАГАН ВА КОРОНАВИРУСГА ЧАЛИНМАГАНЛАРГА НИСБАТАН КАМИДА 95 ФОИЗ ПАСТ БўЛАДИ. ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ ЭМЛАШ ВОСИТАЛАРИ КАСАЛЛИКНИНГ ОғИР ўТИШИ ВА ўЛИМ ХАВФИНИ КЕСКИН КАМАЙТИРИШИНИ ЯНА БИР БОР ТАСДИҚЛАДИ. ШУ БИЛАН БИРГА, ВАКЦИНАЛАР ВИРУСНИ ЮҚТИРГАН БЕМОЛЛАРДА ИНФАРКТ ВА ИНСУЛЬТ ЮЗАГА КЕЛИШИНИНГ ОЛДИНИ ОЛАДИ.

Ўзбекистон ҳам коронавирус вакцинасини ишлаб чиқиш, клиник синовлар, сотиб олиш ва оммавий эмлаш жараёнида маълум тажрибага эга бўлди. Гап коронавирусга қарши самарали кураш ҳақида борар экан, IntechOpen халқаро илмий адабиётлар нашриёти томонидан Ўзбекистон Республикаси олий таълим, фан ва инновациялар вазири, академик Иброҳим Абдурахмонов таҳрири остида нашр этилган “COVID-19 га қарши вакциналар — ҳозирги ҳолат ва истиқболлар” (“COVID-19 Vaccines — Current State and Perspectives”) номли китобга алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Чунки китобда коронавирусга қарши яратилган вакциналар тўғрисида сўнгги маълумотлар, тадқиқотлар натижалари, илмий хулосалар тақдим этилган.

Нашр вируснинг янги штаммларига қарши самарали вакциналар яратиш, вакцинанинг ноҳўя таъсирлари бўйича статистик маълумотлар, клиник синовлар натижалари, оммавий эмлаш самараси ва турли мамлакатларнинг

коронавирусга қарши вакциналарни яратиш тажрибаси акс эттирилган мақолалар тўплами бўлиб, эътиборли жиҳати, уларда мавжуд вакциналардан юзага келиши мумкин бўлган янги вирусларга қарши курашда фойдаланиш имкониятлари тўғрисида фикр-мулоҳазалар келтирилган.

Хусусан, вакциналар бўйича дунё бўйлаб тадқиқотлар ўтказган илмий жамоалар томонидан ёзилган 11 мақола ҳамма ҳамма ушбу тўпламда вакциналар, оммавий эмлаш, вакцина асоратлари, вакциналарни яратишнинг тезлаштирилган моделлари ҳақида сўз юритилган. Тўплам илмий аҳамиятга эгаллиги билан бир қаторда, аҳолининг эмланишда ҳадиксираш ҳолатларини, пандемия тугади деган хулосага келиб, ўзини ва атрофдагиларни ҳимоялаш чораларини сўзлаштиришнинг олдини олишга қаратилган. Рўқий чекловларни бартараф этишга, жамоавий масъулиятни шакллантиришга хизмат қилади, вакциналарнинг қулайлиги ва самараси ҳақида маълумот беради.

Шунингдек, китобда янги вакциналарни яратиш, ишлаб чиқариш ва тасдиқлашнинг тезлаштирилган платформаларини ишга тушириш масалалари ўртага ташланган.

Умуман олганда, ушбу китоб коронавируснинг олдини олиш, вакцинация амалиётига асосланган билан айни дамда жуда долзарб ҳисобланади. Тиббиёт ходимлари — эпидемиологлар, инфекциячилик, вирусологлар, тиббиёт олийгоҳи профессор-ўқитувчилари, талабалари, илмий изланувчилар, шунингдек, соғлиқни сақлаш соҳаси мутахассислари учун мўлжалланган бўлиб, коронавирусга қарши самарали вакцина ишлаб чиқишнинг ҳозирги ва келажакдаги тенденцияларини аниқлашга ёрдам беради.

Феруза САЛОМОВА,
Тошкент тиббиёт академияси тиббий профилактика ва жамоат саломатлиги факультети декани, тиббиёт фанлари доктори,
Гулбаҳор МАТНАЗАРОВА,
академия кафедре мудири, тиббиёт фанлари доктори

ДАВЛАТ ДАСТУРИ — АМАЛДА

ЯНГИ СТРАТЕГИК МАҚСАДЛАРГА
ЭРИШИШНИНГ САМАРАЛИ МЕХАНИЗМИ

Бошланиши 1-бетда

Ҳужжатда ижтимоий давлатнинг энг асосий жиҳатларини ҳаётга татбиқ этиш механизми ўз аксини тоғганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Жумладан, **ижтимоий давлатнинг асосий принципларидан бири, бу — мамлакатнинг ҳар бир фуқаросига муносиб ҳаёт сифати ва даражасига эришиш учун керакли шарт-шароитларни яратиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган аҳоли қатламларига ёрдам кўрсатиш** ҳисобланади. Шу боис, давлат дастурида халқимизнинг оғирини енгиб қилиш, янада қулайликлар яратиш ва харажатларини тежаш, фуқароларнинг пенсия таъминотини яхшилаш, пенсионерларни қўллаб-қувватлаш, ногиронлиқни белгилашда қўшимча енгиликлар яратиш, аҳолининг уй-жойга бўлган талабини қондириш каби мақсадларга алоҳида урғу берилган.

Ижтимоий давлатнинг яна бир муҳим жиҳати — мамлакатни иқтисодий ривожланишнинг юқори даражасига кўтариш ҳисобланади. Чунки айнан шу йўл билан мамлакат бойликлари ва даромадларини аҳолига тенг равишда тақсимлашга эришиш мумкин. Бу борада аҳолига фонд бозориде фаол иштирок этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва капитал бозорини ривожлантириш борасида сиёсатни фаоллаштириш, ташаббусли бюджет амалиётини ҳамда маҳаллаларнинг молиявий мустақиллигини кенгайтириш мақсадлари белгиланган айти мудида, деб ҳисоблаймиз. Айнан шу йўл билан қўллаб-қувватланган мамлакатлар, масалан, Корея Республикаси, Малайзия, Сингапур каби давлатлар тараққиётга эришган.

Давлат дастурида **ижтимоий давлатнинг миллий хусусиятлари, яъни Янги Ўзбекистон моделига**

хос бўлган жиҳатлар ҳам ўз аксини тоғган. Чунки, маҳалла институти фаолиятининг самарадорлигини ошириш, уни жамоатчилик бошқаруви ва назоратининг таянч бўлишига айлантириш, халқ депутатлари кенгашиларини худудларда мавжуд муаммоларни ҳал қилишдаги асосий бўлигига айлантириш ва бунинг учун маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг институционал асосларини замон талабларига мослаштириш шулар жумласига кирилади.

Иккинчидан, давлат дастурида демократик давлатнинг асосий элементларини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Бу йўналишда давлат бошқаруви органлари фаолиятини “фуқароларга хизмат қилишга йўналтириш” таъминоти асосида трансформация қилиш, ихчам, профессионал, адолатли, юқори натижадорликка хизмат қиладиган давлат бошқаруви тизимини жорий этиш, давлат бошқаруви тизимиде маъмурий аппаратини ихчамлаштириш ва иш жараёниларини мақбуллаштириш, “Электрон ҳуқуқат” тизимини ривожлантириш, электрон давлат хизматлари улушини 100 фоизга етказиш ҳамда бюрократияни бартараф этиш, давлат фуқаролик хизмати тизимини замонавий стандартлар асосида йўлга қўйиш каби мақсадлар белгиланган демократиянинг асосий қадрияти ҳисобланган самарали давлат бошқаруви тизимини шакллантиришга хизмат қилиши мумкин.

Шу билан бирга, халқ билан мулоқотнинг механизмининг, таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини тақомиллаштириш борасида аниқ чора-тадбирлар режалаштирилиши **Ўзбекистонда ҳокимиятнинг ягона легитим манбаи халқдир,** деган демократия-

нинг асосий жиҳатини амалда татбиқ этишга мустаҳкам замин яратади.

Учинчидан, давлат дастурида мамлакатда **ҳуқуқий давлатнинг базавий (концептуал) асосларини** мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор комплекс чора-тадбирлар кўрсатиб ўтилган. Бу борада **мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги таъминлиларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига** айлантириш давлат дастурининг иккинчи устувор йўналиши сифатида белгиланиши ҳуқуқий давлатнинг асосий компонентларидан бирига ҳамоҳангдир.

Бунга эришиш учун давлат дастурида инсоннинг фундаментал ҳуқуқларидан бири бўлган мулк ҳуқуқлари дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш, демократиянинг асосий принципи бўлган қонун устуворлиги ва конституциявий қонунчилиқни таъминлаш ҳамда инсон қадрини ушбу жараённинг бош мезони сифатида белгилаш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг янги қиёфасини шакллантириш каби мақсадлар давлат сиёсатининг устувор йўналишлари сифатида эътироф этилган.

Тўртинчидан, давлат дастурида мамлакатимизда **кучли фуқаролик жамиятининг асосларини яратиш** масаласи алоҳида аҳамият касб этади. Бунинг учун маҳалла институтининг Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини қарор топишидаги ўрни ва ролини ошириш, фаол фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган қатор институционал-ташкिलий ва ҳуқуқий чора-тадбирлар кўзда тутилган. Фуқароларнинг ўз маҳалласи ҳаётидаги иштирокини кучайтириш ҳамда давлат органлари ва маҳаллалар ўртасида тўғридан-тўғри алоқаларни йўлга қўйиш, жойларда ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишда маҳаллалар ролини ошириш, аҳолининг барча қатлами учун мўлжалланган “Юридик кутубхона” электрон тизимини ва унинг мобил иловасини яратиш шуллар жумласидан.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури, сўзсиз, Янги Ўзбекистон стратегияси, унда белгиланган ижтимоий мамлакатнинг кучли пойдеворини яратиш мақсадига эришишнинг самарали механизми, десак муболага бўлмади. Шу билан бирга, давлат дастурида белгиланган чора-тадбирлар ҳозирги кунда амалга оширилаётган конституциявий ислохотларга тўла ҳамоҳанг, унинг самарали рўёбга чиқарилишига кенг қўллаш ҳуқуқий-институционал шарт-шароитларни яратмоқда.

Олим ОҚИЛОВ,
юридик фанлари доктори,
профессор

ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР БАЙРАМИ ОЛДИДАН



Одина ўКТАМХўЖАЕВА,
Адлия вазирлиги Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бошқармаси масъул ходими

Конституциямизда хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлиги белгиланган. Ўз навбатида, мамлакатимиз инсон ҳуқуқлари бўйича асосий халқаро конвенцияларни ратификация қилди. “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Ушбу қонунга биноан, тенг ҳуқуқ ва имкониятлар кафолатларини таъминлашнинг асосий тамойиллари

АЁЛГА ҚИЛИНГАН БИР ЯХШИЛИК
ўН ЯХШИЛИК БўЛИБ ҚАЙТАДИ

Бугунги глобаллашув жараёнида ёш авлодни илғор фикрлайдиган, етук ва баркамол шахс этиб тарбиялаш, юртимиз тараққиётини янада юксалтиришда хотин-қизларнинг ўрни ҳар қачонгидан муҳим. Шу боис, мамлакатимизда ислохотлар жараёнида хотин-қизларнинг янги ғоя ва ташаббуслар билан чиқишини қўллаб-қувватлаш, ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирок этишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

қонунийлик, демократия, аёллар ва эркаклар тенг ҳуқуқлиги, очиклик ва шаффофликдир.

Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, салоҳиятини рўёбга чиқариш, жамиятнинг тенг ҳуқуқли, фаол ва ташаббускор аъзосига айлантиришга қаратилган кенг қўллаш ишлар амалга оширилмоқда. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида шу йўналишда муҳим чора-тадбирлар белгиланган. Жумладан, стратегиянинг 69-мақсади аёлларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг жамиятда фаол иштирок этишини таъминлаш ҳисобланади.

Ушбу мақсад аёлларга нисбатан зулм ва ўравонликка тоқат қилмаслик муҳитини яратиш, уларнинг ҳуқуқлари

ва қонуний манфаатларини, гендер тенгликни таъминлаш сиёсатини давом эттиришга хизмат қилмоқда. Шунингдек, хотин-қизларнинг касбий кўникмасини ривожлантириш, муносиб иш билан таъминлашда ҳар томонлама кўмаклашиш, аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, иқтидорли хотин-қизларнинг қобилиятини аниқлаш ва тўғри йўналтиришга ёрдам бериш ҳам эътиборда. Стратегиянинг 85-мақсадида белгиланган хотин-қизлар ўртасида ишсизлик даражасини камайитириш, давлат ҳисобидан ишсиз аёлларни касба ўргатиш борасида амалга оширилаётган ишлар бу борада яхши самара бермоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда турли соҳаларда 1500 га яқин хотин-қиз раҳбар лавозимини эгаллаб турибди,

бу эса умумий раҳбар лавозимларнинг 33 фоизини ташкил этади. Бу имконият жамият ҳаётида хотин-қизларнинг иштирокини кучайтириш, ташаббус ва ғояларини рўёбга чиқариш, муаммоларни ҳал этишда ўз самарасини бераётди. Умуман олганда, илм-фан ва сиёсатга хотин-қизларни кўпроқ жалб қилиш ижтимоий ҳаётдаги самарадорликни таъминламоқда.

Шу билан бирга, жамиятимизда аёлларнинг билими олиши ва малакали кадр бўлиб етишиши учун ҳам имкониятлар кенгаётди. Бу эса, ўз навбатида, талаба қизлар сони йил сайин ортиб боришига замин бўлмоқда. Масалан, 2020/2021 ўқув йилида 260 минг қиз олий ўқув юртларида таълим олган бўлса, 2021/2022 йилларда улар сони 365 миңдан ошди. Бугунги кунда хотин-қизларга магистратурада бепул ўқиш имконияти яратилди. Бу ҳам опа-сингилларимиз билим олиб, ўз иқтидорини рўёбга чиқариши учун муҳим омилдир.

Бугун Ўзбекистон аёллари Techno Girl, TechWomen каби халқаро тадқиқот

лойиҳаларида ҳам фаол иштирок этмоқда. Бу аёлларнинг академик илм-фан, умуман, мамлакатимиз тараққиётида алоҳида ролдан далолат беради.

Аёлларнинг фаоллигини янада ошириш доимий эътиборда. Масалан, Адлия вазирлиги томонидан “Хотин-қизлар ҳуқуқлари бўйича долзарб икки ой” лойиҳаси доирасида улар учун қатор бепул семинар-тренинглари ўтказилди. Шу билан бирга, аёлларнинг ижтимоий фаоллиги ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида хотин-қизлар ҳуқуқлари бўйича умум-миллий имтиҳон бўлиб ўтди. Адлия вазирлиги муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари бўйича “Жамиятда аёл” таълиминини ташкил этди. “Аёлларга ҳуқуқий мадад” номли қўллаш чоп этилди. Унда аёллар учун муҳим бўлган ҳуқуқий саволларга жавоблар тақдим этилган.

Шу ўринда маърифатпарвар аллома Абдулла Авлонининг қуйидаги

фикрларини келтириб ўтишни жоиз топдик: “Қизлар бошқалардан кўра, кўпроқ таълим олишга интилиши керак, чунки бу билим билан улар кейинги авлодга таълим беради”.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг қуйидаги сўзлари ҳам аллома бобомизнинг фикрларига ҳамоҳангдир: “Агар биз меҳр-оқибат ва садоқат тимсоли, хонадонларимиз фариштаси бўлган аёлларга битта яхшилик қилсак, ҳеч шубҳасиз, бу ўн та яхшилик бўлиб қайтади”.

Билмилли, маърифатли аёл нафақат оила, балки жамият тараққиётини ҳаракатга келтирувчи куч ҳамдир. Бугун мамлакатимизда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, илмилли, маърифатли қилиш, замонавий хунларни ўргатиш, бандлигини таъминлаш борасидаги ислохотлар ана шундай улуғвор мақсадларга эришиш йўлида муҳим пойдевор бўлиши шубҳасиз.

БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ

МЕХРУ МУРУВВАТ МАВРИДИ



Оқил САЛИМОВ академик

Бошланиши 1-бета

Шуни таъкидлашим кераки, инсоният тарихи кўпдан-кўп давлатчиликлар тамойилларини, шаклларини, бошқарувнинг ўз даврига хос усуллари ва услубларини кўрган. Хусусан, ўзбек халқи, буни алоҳида фахр ва ифтихор билан айтиши мумкинки, қадимий Турон — Туркистон — Ўзбекистон жаҳон давлатчилиги сарчашмаларидан бири ҳисобланади. Бундан уч минг йиллар олдин ибтидоий ҳаёт шароитида, антик даврда кўп этникликдан яқка Худойликка ўтиш жараёнида турли майда қабилалар, уруғлар, аймоқларнинг бирлашиб улкан жамоага айланиб, ягона этник ва ягона ғоя, умумий маслак ва манфаат атрофида бирлашиб жараёнининг юзага келиши илк давлатчиликнинг ўзига хос куртаклари эди. Кимдир бу жамоани бошқарган, йўналтирган, уни таққи душманлардан ҳимоя қилган. Ўзига хос интизомни ўрнатган. Бу илк ажодларимизнинг бугунги ғоят цивилизациялашган давлатчилигимиз пойдеворини ва, ҳатто, жаҳон давлатчилиги тамойилларини вужудга келтирганидан далолат беради.

Қадимий Шарқ, хусусан, Мовароуннахр — Турон — Туркистон давлатчилиги ўзининг адолатчилиги, инсонпарварлиги, инсон манфаатлари ҳамма нарсадан улуг деган тамойилга асосланганлиги билан алоҳида ажралиб туради. Айтиш мумкинки, жаҳон давлатчилигининг сиёсий ахлоқ, бошқарув маданияти, раҳбар одоби ва масъулияти сингари тушунча ва тамойиллар айна шу кўҳна заминда дунёга келди ва жаҳон давлатчилигининг бутун инсоният эътирофи эгган талабларига, қонуниятларига айланди.

Амир Темур номи билан боғлиқ бўлган ўрта асрлар давлатчилиги жаҳон давлатчилигининг бугунги кунгача бўлган тараққиётида алоҳида мавқега эга. Ғоят адолатпеша ва инсонпарвар бошқарув тизими бугунги кунгача андоза бўлиб келмоқда. Зотан, Амир Темур бир жойда “Хар мамлакатда адолат эшигини очдим, зулму ситам йўлини тўсдим”, деса бошқа бир жойда “Бир кунлик адолат — юз кунлик тоат-ибодатдан афзал”, дейди. Бундай ўйлаб қарасам, Янги Ўзбекистонда тобора

чуқурлашиб бораётган ва ялли жамиятни қамраб олаётган адолат ғояси ҳар бир фуқаро дахлсизлиги, шаъни ва қадри қимматини ҳимоя қилинаётганлигида айна шу Соҳибқирон тажрибасининг бугунги кундаги рўёбини кўраман. Президент Шавкат Мирзиёев фаолиятида одамлар билан тўғридан-тўғри мулоқотда бўлиш, уларнинг кундалик қувончу ташвишларига шерик бўлиш, ҳар бир инсоннинг тақдири билан боғлиқ бўлган муаммоларни ўрганиш фазилати устуворлик қилади. Хусусан, кейинги бир ой ичида бир неча вилоятда, шаҳару қишлоқларда, маҳалларда бўлиб одамлар билан учрашгани, айримларнинг хонадонига кириб, бир пиёла чай устида суҳбат қургани давлат раҳбарининг ўта камтарлигидан, хокисорлигидан, одамоҳун ва инсонсеварлигидан далолат беради. Бошқача қилиб айтганда, одамлар ўзининг тақдирини, келажagini, фарзандлари бахту саодатини Президентда, унинг ҳис-туйғуларига, одамларга бўлган меҳру муҳаббатига кўради. Бу ўз-ўзидан давлат билан жамият, Президент билан фуқаро мақсадларининг муштараклигига олиб келади. Айна пайтда юксак ишончи ва эътиқодли халқига суянган, соғлом сиёсий ғоявий муҳит қарор топган давлат қудратини ўзида ифода этади.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг иш фаолиятини катта қизиқиш билан кузатаман. Унинг буюк келажакка қаратилган ғоятда катта стратегик қарашларини ўзимча таҳлил қиламан ва очик айтишим мумкинки, ҳавас қиламан. Унинг одамлар орасида юриши, ўқув юртларида, мактаблар ва болалар боғчаларида бўлиб, болалар билан болаларча, оталар билан оталарча самимий мулоқотини кўриб, Амир Темурнинг “Азму жазм билан иш тутдим. Бирин ишни қилишга қасд қилган бўлсам, бутун зеҳним, вужудим билан боғланиб, битирмагунимча ундан қўлимни тортмадим”, деган гаплари эсимга тушади. Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбарининг бошқарув фаолиятида Амир Темурга хос қатъиятни, талабчанлиқни, бошлаган ишни охирига етказишни, бунинг учун ҳар қандай табиий ва сунъий тўсиқларни енгишга қодир бўлган катта сиёсий иродани, давлат раҳбарига хос бўлган қудратли кучни кўраман.

Ана шу жараённинг ўзида сиёсий етакчининг, давлат раҳбарининг ҳеч кимга ўхшамаган, ўзига хос фазилатлари намён бўлади. Жумладан:

Биринчидан, сиёсий етакчининг қатъий ва ўзгармас сиёсий позицияга эгалиги;

Иккинчидан, бошлаган ишни охирига етказишдек қатъиятли ва узокни



Рашид Галиев олган сурат.

“ ҚАДИМИЙ ШАРҚ, ХУСУСАН, МОВАРОУННАХР — ТУРОН — ТУРКИСТОН ДАВЛАТЧИЛИГИ ЎЗИНИНГ АДОЛАТЛИЛИГИ, ИНСОНПАРВАРЛИГИ, ИНСОН МАНФААТЛАРИ ҲАММА НАРСАДАН УЛУҒ ДЕГАН ТАМОЙИЛГА АСОСЛАНГАНЛИГИ БИЛАН АЛОҲИДА АЖРАЛИБ ТУРАДИ. АЙТИШ МУМКИНКИ, ЖАҲОН ДАВЛАТЧИЛИГИНИНГ СИЁСИЙ АХЛОҚ, БОШҚАРУВ МАДАНИЯТИ, РАҲБАР ОДОБИ ВА МАСЪУЛИЯТИ СИНГАРИ ТУШУНЧА ВА ТАМОЙИЛЛАР АЙНИ АНА ШУ КЎҲНА ЗАМИНДА ДУНЁГА КЕЛДИ ВА ЖАҲОН ДАВЛАТЧИЛИГИНИНГ БУТУН ИНСОНИАТ ЭЪТИРОФИ ЭГАН ТАЛАБЛАРИГА, ҚОНУНИЯТЛАРИГА АЙЛАНДИ.

кўзлаган давлат арбобига хос юксак фазилат;

Учинчидан, давлат раҳбарининг бутун обрў-этиборини, сиёсий имижини белгилайдиган сўз билан иш бирлигига эришиш;

Тўртинчидан, сиёсий қарашларда изчиллик, узвийлик ва уларни ҳаётда жорий этишда қатъий талабчанликнинг юксак даражада намён бўлиши;

Бешинчидан, улкан хотира қуввати ва ички ирода кучи тўғрисида жамиятнинг ҳамма соҳа ва йўналишларини, ижтимоий ҳаётнинг барча қирраларини бир йўла назорат қила олиш салоҳияти;

Олтинчидан, кўтарилган масалалар ва топширилган вазифаларнинг ўз вақтида бажарилишига эришиш;

Еттинчидан, шарқона бошқарув маданияти ва раҳбарлик одобининг юксак даражада намён бўлиши. Хусусан, бунда очик сиёсий муносабатлар, халқ билан жонли мулоқот, одамлар орасида юриш, уларнинг қувонч

ва қайғуларига шерик бўлиш, ҳар бир фуқаро оруз-уйлари ва мақсадларини ўрганиш ва унга шерик бўлиш каби соф инсоний фазилатларнинг намён бўлиши.

Масаланинг бошқа томони ҳам бор. Бу бевоқифа замонавий давлатчилик илғор тажрибаларини ўзлаштириш, жаҳон цивилизацияси ютуқларидан хабардор бўлиш, минг йиллар мобайнида давлат бошқарувида доир тўпланган миллий тажриба ва аъёнларнинг ҳозирги замон давлатчилиги илғор тажрибалари билан синтезлашган ҳолда олиб бориш каби ноёб фазилатнинг намён бўлиши.

Дарҳақиқат, Президент Шавкат Мирзиёев фаолиятида ва иш услубида **халқона бошқарув, халққа яқинлик ҳисси, уларнинг кундалик ташвиш ва қувончларига шерик бўлиш туйғуси устуворлик қилади. Бу давлат билан жамият, давлат раҳбари билан фуқаролар мақсадларининг муштараклигига, улар орасидаги муносабатларнинг уйғунлигига олиб келадики, натижада Ўзбекистонда ялли барқарорлик ва юксак бунёдкорлик руҳиятининг чуқурлашишига эришилади. Ана шу нуктаи назардан қатъий ишонч билан айтиш мумкинки, “Буюк келажагимизни олижаноб ва мард халқимиз билан бирга қураимиз”...**

... Ҳар бир даврнинг ўз тараққиёт омиллари, эҳтиёжлари, талаблари ва ҳаётий тамойиллари бўлади. Ҳар бир замоннинг ўз зайли, қарашлари, муносабатлари, тафаккур тарзи мавжуд. Ана шу нуктаи назардан айтиш мумкинки, 2017 йил Ўзбекистоннинг тарихий тараққиёт ва ривожланишида бутунлай янги босқични бошлаб берди. Бу бевоқифа замон билан ҳамнафас, ҳозирги цивилизация талабларига жавоб берадиган, бугунги кун миллий ва дунёвий эҳтиёжларини назарда тутган, жаҳон давлатчилиги илғор тажрибалари билан миллий хусусиятимиз, қадриятларимиз, давлатчилик усул ва услубларимиз уйғунлашиб кетган кучли ва қудратли сиёсий тафаккур билан боғлиқ.

Чиндан ҳам, Ўзбекистонда мустақиллик даври мобайнида бутунлай янги тарихий шароитларда, янги давлатчиликка асос солинди. Ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти вужудга келтирилди. Сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳада туб бурилишлар ясалди. Ташқи сиёсатда Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли субъектига айланди ва ўзининг қатъий сиёсий позициясини намён этди. Дунёнинг энг кучли ва катта давлатлари Ўзбекистон билан ҳисоблашадиган, унинг

умumdунёвий масалаларга тегишли фикр ва ҳулосаларини инobatта оладиган бўлиб қолди. Энди ҳамма гап ана шу мустақам пойдеворга таяниб, Ўзбекистоннинг янги даврдаги янги тараққиётини таъминлашдан иборат.

Катта тажрибамдан келиб чиқиб айтишим мумкинки, ҳар қандай сиёсатнинг ҳаёти, умрининг узунлиги ва самарадорлиги унинг самимиятида намён бўлади. Қачонки одамлар орасида бўлсанг, улар билан ҳамфикр суҳбатдош бўлсанг, биргаликдаги, ҳамжиҳатликдаги фикрдошлик юзага келса, бундай сиёсат узоқ яшайди ва ўз даврига хос, келажакка ўрнатқуч бўладиган макомга эга бўлади. Амир Темурнинг куч-қудрати, оламшумул салоҳияти ва салобати ҳам айна ана шунда эди. Буни Соҳибқироннинг “**Раъоят (фуқаро) аҳволидан огоҳ бўлдим, улугларини ога қаторида, кичикларини фарзанд ўрнида кўрдим**”, деган гапларида кўриш мумкин.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг мурғак болаларни бағрига босиб, уларга оталик меҳрини бераётгани, ёши улуглар билан ўзини уларнинг фарзандидек тутиб, жамиятнинг олис истикболга қаратилган тараққиётини таъминлашга интилаётгани Янги Ўзбекистон давлатининг қудратига айланиб бормоқда. Бунга иккита ҳолатда гувоҳ бўлдим. Давлатимиз раҳбарининг Андижон вилоятида мактаб ўқувчилари билан учрашувдаги ҳолатда ғоятда мурувватли, меҳри, фарзанд деган туйғунни чуқур ҳис қиладиган ота тимсолига айланган, машҳур чўлқувар Қувондиқхожи Абдуразоқов билан ўта самимий мулоқотларида билдим. Болалар олдида бағрикенг ва мурувватли ота, оталар олдида эса, ҳар қандай шароитда улугларни қадрлайдиган, уларнинг ҳурматини жойига қўйдиган халқ фарзанди қиёфасига гувоҳ бўлдим.

Айтиш мумкинки, бундай соф инсоний фазилат, меҳр ва мурувват тўла қалб ҳамма раҳбарда ҳам бўлавермайди. Уларнинг кўпини кўрганман. Бугун мўътабар бир ёшда халқимизнинг Шавкат Мирзиёевдай садоқатли ва эҳтиромли фарзанди ёшларимизнинг болапарвар, миллат истикболи учун ҳамма нарсаси тийиб турадиган, фарзандлари камолини кўриш орзу-истаги билан яшайдиган оталари борлигидан қувонаман.

Амир Темурнинг яна бир гапи бор. У “**Очиқ юзлилик, раҳм-шафқат билан халқни ўзимга ром қилдим, адолат билан иш юритиб, жабр-зулмдан узокроқда бўлишга интилдим**”, дейди. Бугунги Янги Ўзбекистон шароитида давлат сиёсатида очик юзлилик, юксак самимият, меҳр-мурувват фазилатлари чуқурлашиб бормоқда. Давлат сиёсати кенг жамоатчилик, ҳар бир фуқаро, ёшу қари қалбига сингиб бормоқда. Ана шу ҳолатнинг ўзи жамиятда инсон қадрининг тобора юксалиб бораётганидан, ижтимоий адолат тамойиллари чуқурлашиб, фуқаро ҳақ-ҳуқуқлари кафолатланаётганидан далолат беради. Бу ҳаммамизнинг, ҳар

биримизнинг ютуғимиз, бугунимиз ва буюк келажагимиз билан боғлиқ бўлган саодатимиз.

Айна пайтда Ўзбекистоннинг ҳар бир қишлоғи, ҳар бир маҳалласи қиёфаси тубдан ўзгариб бормоқда. Тозалик, ободонлаштириш, қўркам турмуш тарзини қарор топтириш умуммиллий мақсадга айланди. Мактабгача таълимдан олий таълимгача бўлган узлуксиз таълим тизимининг барча бўғинларида жиддий ўзгаришлар, янгилаштирилган содир бўлмоқда. Ижтимоий соҳага тегишли янгидан-янги бинолар барпо этилмоқда. Текис ва раван йўллар, кўприклар қурилмоқда. Кам таъминланган оилалар учун арзон уй-жойлар барпо этилмоқда. Бундай жиддий ўзгаришларни кўриб яна ҳаёлим олис ўтишга, Амир Темур давлатчилиги даврига кетади. Зотан, Соҳибқироннинг “**Ҳар бир шаҳарда масжидлар, мадрасалар, хонақоҳлар қуришни, мусофир йўловчилар учун йўл устига работлар бино қилишни, дарёлар устига кўприклар қуришни буюрдим**” деган гаплари эсимга тушади. Бу чинакам халқлиқ сиёсатининг, халқпарвар давлатнинг ўзига хос тамойиллари. Халқимизнинг феъл-атворида, турмуш ақидаларида адолат, муроसाга, очик кўнгиллилик ва самимий муносабатга мойиллик бор. У айна ана шу фазилати билан ўзининг ҳаётини ўзи йўлга қўймоқда. Мақсад ва интилишларини давлат сиёсатида ва унинг жонқуяр, тиниб-тинчимас раҳбари қарашларида кўрмоқда. Халқимиз ўзининг юксак маънавий-ахлоқий, маърифий-руҳий ва интеллектуал салоҳиятини кўрсата оладиган бунёдкор халқ. Айна ана шу кайфият, умуммиллий руҳият, очик жамият қурилатган, халқ билан давлат ўртасидаги муносабатлар муштарак бўлиб бораётган бир давр буюк келажагимиздан далолат бermoқда.

Албатта, ҳар бир даврнинг ўз арбоблари, сиёсий етакчилари бўлади. Ана шу етакчи ва арбобларнинг бошқарув маҳорати, феъл-атвори, иш услуби жамият ва халқ тақдирини белгилайди. Утган етти йиллик давр Ўзбекистон тарихида, айтиш мумкинки, ривожланишининг бутунлай янги даврини бошлаб берди. Буни қуйидагиларда кўриш мумкин:

Биринчидан, мамлакатни ривожлантиришга доир илмий ва амалий жиҳатдан ғоятда мустақам стратегиянинг ишлаб чиқилганлиги;

Иккинчидан, жамиятнинг барча соҳаларини баб-баробар ривожлантиришга доир самарали механизмнинг вужудга келтирилганлиги;

Учинчидан, давлат раҳбарининг ўта серғайрат, шижоатли, чарчок билмас фаолияти;

Тўртинчидан, бошланган ишнинг доимий назоратга олиниши ва охирига етказишга эришилиши;

Бешинчидан, давлат раҳбарининг ўта самимий, халқлиқ, меҳр-мурувватга асосланган сиёсий йўли.

Ана шу тарзда Янги Ўзбекистон бутунлай янги тарихий шароитларда ўз тараққиётининг янги босқичини бошлади. Жаҳон ҳамжамиятида энг тез ривожланаётган давлат сифатида ўзини намён этмоқда.



НУҚТАИ НАЗАР

ПУЛНИ БОШҚАРИШ

САНЪАТИ

Бунинг учун билим ва кўникма зарур



Шохида ИБРАГИМОВА, иқтисод фанлари доктори

Бошланғич 1-бетда

Яъни ўз молиясини тўғри бошқариш учун зарур билим ва кўникмаларга эга бўлмаслик, даромаднинг беҳуда сарфлаш, маблағни керакли жойга йўналтириш олимастик иқтисодий қийинчиликлар, ҳатто камбағалликка олиб бориши мумкин. Шу боис, юртимизда аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирлар каторида жамиятда молиявий саводхонликни ошириш борасидаги саъй-ҳаракатлар ҳам фаоллашмоқда.

Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида молиявий саводхонлик, айниқса, муҳим. Бу нафақат молия соҳасидаги билим ва кўникмаларга эга бўлиш, балки аҳолининг кундалик ҳаётидаги оддий иқтисодий ҳисоб-китоблардан тортиб, тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиш, тижорат банклари кредитларидан фойдаланиш каби қатор мураккаб жараёнларда иштирок эта олиш кўникмаларини назарда туттади.

Мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида кўплаб иш ўринлари яратилди, кичик бизнес ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун имтиёзли кредитлар, субсидиялар ажратилди. Жорий йил 25 январь кунги Президентимиз раислигида камбағалликни қисқартириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш масалалари бўйича ўтказилган йиғилишда оилавий тадбиркорликка янада туртки бериш мақсадида молиявий кўмак кўламини кенгайтирилиши таъкидланди. 2022 йилда бу мақсадга қарийб 10 триллион сўм имтиёзли кредит ажратилган бўлиб, бу йил оилавий тадбиркорлик дастури учун 12 триллион сўм йўналтирилган бўлди.

Бундай шароитда талабгорларнинг имтиёзли кредитларни олиш жараёнлари бир жиҳат бўлса, маблағдан тўғри фойдаланиб, ишни ривожлантириши, қарзларни ўз вақтида тўлай олиши алоҳида масала. Молиявий саводхонликка эга бўлмаган инсон бундан уялмайди. Аҳолининг молиявий жиҳатдан саводхон эмаслиги нафақат шахсий фаровонликка, балки бутун молиявий соҳага салбий таъсир кўрсатади. Мана, нима учун жамиятда молиявий саводхонликни ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Бунинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш ҳам ҳозирги шароитда долзарб вазифаларимиздан бири. Одамларга молиявий имкониятларни тўғри ўлчаш ва масъулиятни ҳис қилиш бўйича билимларни оддий шаклда етказиш лозим. Уларга шахсий жамғармалар, молиявий таъминот, ўзаро қарз муносабатлари ҳақидаги билимларни бериш орқали оилавий бюджетни тўғри тақсимлаш, пулни жамғариш ва уни кўпайтириш борасидаги тушунчалари ошириб борилади. Чунки пул билан тўғри муомала қилолмаган, уни тўғри тақсимлаб олмаган инсон молиявий мустақилликка эришолмайди.

Аҳоли молиявий саводхонлигининг ижтимоий аҳамияти ҳам бор. Чунки алоҳида шахснинг молия бораидаги билим ва кўникмалари пировардиде, жамият иқтисодий ҳаётининг муваффақияти ва барқарорлигини белгилаб беради. Масалан, фуқароларнинг ўз даромадлари ва харажатларини аниқ тасаввур қилмаслиги ёки нотўғри режалаштириши оқибатда кредитор қарздорлик пайдо бўлади, саводсизлик молиявий пирамидалар ва фирибгарликлар сони ошишига олиб келади.

Молиявий саводхонликни юксалтиришдан асосий мақсад инсоннинг фаровонлиги ва ҳаёт сифатини ошириш ҳисобланади. Бироқ бунинг учун ўхтиёридаги иқтисодий ресурслардан, рўй бериши мумкин бўлган воқеа ва ҳодисалар, вужудга келиши мумкин бўлган шарт-шароитлардан ўзи ҳамда жамият учун манфаатли ва самарали фойдаланиш бораида етарли билим ва кўникмаларга эга бўлиши лозим.

Молиявий саводхонлигимиз қай даражада?

Бир неча йиллик изланишларим ва тадқиқотлар натижасида камбағалликни қисқартиришда аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш муҳим, деган хулосага келдим. Бунинг шакллантириши бир неча омилларга боғлиқ. Жараёнда барчаси — инсоннинг ёши ва ҳаётий тажрибаси, маълумоти, касбий фаолияти йўналиши, иқтисодий фаолият даражаси, дунёқароши ҳамда қизиқишлари эътиборга олинади.

Бу борада тажриба тариқасида 14 та модулдан иборат дастур ишлаб чиқиб, амалиётда қўллаяпмиз. Дастур “Молиявий саводхонлик”, “Криптовалютага

сингиб кетган дабдабали тўйлар ўтказиш, керакисиз маросимларга пул сарфлаш каби одатларнинг иқтисодий зарарлари ҳақида ҳам тушунчалар берилиб, уларнинг қисқаришига эришилмоқда. Тадқиқот доирасида ўтказилган сўровнома ҳам жамиятимиздаги молиявий саводхонлик даражасини аниқлашда асқатмоқда. 2020 йил август ойидан буён ҳар ой ўтказилаётган сўровларда 15 мингга яқин шахс қатнашди. Иштирокчилар сифатида 40 ёшдан 70 ёшгача бўлган эркеклар ва уларнинг турмуш ўртоқлари танлаб олинди. Сўхбатлар, асосан, интернет тармоғи орқали ўтказилди, ёрдамга муҳтож ёки тармоққа уланмаган респондентлардан эса жавоблар телефон орқали қабул қилинади. Тадқиқотда маркетинг агентлиги ёрдамида жамланган маълумотлар базасидан фойдаландик.

мунтазам кўтарилди, деган фикрда йиллар давомида жамғариб боради. Аммо фойз ставкасининг ошиши содир бўладиган инфляция ҳисобига деярли фойда келтирмайди. Масалан, битта компаниянинг акцияларини сотиб олиш инвестиция фондига қараганда хавфсизроқ даромад келтиради. Иштирокчиларнинг берган жавоблари асосида шахс ёки оиланинг молиявий саводхонлик даражаси баҳолаб, FinLit (Financial literacy) — унинг индекси ҳисоблаб чиқилди. Афсуски, якуний натижалар аҳолининг молиявий саводхонлик даражаси, айниқса, кам таъминланган оилаларда жуда паст эканини кўрсатди. Бу эса камбағалликни қисқартиришда имконияти чекланган оилалар аъзоларини касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш билан бирга молиявий саводхонлигини ошириш, сўнг кредитлар ажратиш лозимлигини аниқлади. Чунки молиявий саводхон инсон даромадини тўғри тақсимлай олади ва юзага келиши мумкин бўлган ҳар қандай молиявий хавфларга тайёр туради.

Тизимга айланаётган жараён

Бу борада кўплаб лойиҳалар амалга оширилиб, мунтазам тренинглар ташкил этилди. Аммо тажрибалар кўрсатдики, мазкур ишларни аниқ механизм асосида, тизимли оlib бериш зарур. Асосийси, аҳолига молиявий билим ва кўникмалар ёши, яшаш жойи, ҳатто менталитету қадриятлари-га боғланган ҳолда ўргатиб борилиши муҳим.

Айтилаётган кундалик ҳаётимизда 99 фойз одамни молиявий аҳоли ташвишлантиради ва ҳаракатларининг катта қисми шу масала билан боғлиқ. “Боламнинг боғчасига пул тўлашим керак”, “Яши едириб, яхши кийинтиришим керак” каби ўй-фикрлар одамларнинг яхшироқ яшаш, моддий фаровонликка бўлган интилишини кўрсатади. Бу нормал ҳолат ва ҳар кимнинг моддий эҳтиёжи ихтиёрий талабларидан келиб чиқади. Аммо доимий фаровонликни истаган

инсон пул билан тўғри муомалада бўлишни билиши лозим. Халқимизда “болани пулга ўргатма”, “боланинг олдида пул ҳақида гапирма”, “пул болани бузади” каби қарашлар бор. Мен бу фикрларга қўшилмайман. Айниқса, ҳозирги даврда бўлашақ пул билан қандай муомала қилишни ўргатмас эканмиз, у эртага моддий қийинчиликларни енгиб ўта олмаслиги, ҳаётда муваффақият, моддий фаровонликка эришишга қийна-лаши мумкин. Шу боис, оилада фаровонликни таъминлаш учун нафақат эркек, балки аёллар ва фарзандларга ҳам пул жамғариш, уни тўғри тақсимлаш, сармоя киритиш ҳамда молиявий мустақилликка эришишни ўргатиш лозим. Давлатимиз раҳбарининг тегишли фармони билан “Молия ва инвестиция саводхонлиги” дастури маъқулланган. Дастур доирасида умумтаълим мактаблари ўқувчилари ҳамда ноқисодий йўналишдаги олий таълим ташкилотлари талабалари учун “Молиявий саводхонлик” ўқув курсини фан сифатида жорий этиш белгиланган эди.

Фаргона вилоятида янги ўқув йилидан “молиявий саводхонлик” курси фан сифатида киритилди. Юртимиз бўйлаб молиявий саводхонлик даражасини оширишга оид таълим тадбирларини ўтказиш ишлари ҳам фаоллашиб бораётти. Уларга илғор хорижий ўқув муассасалари ва тадқиқот институтлари, молия ташкилотларидан етакчи мутахассисларни жалб қилиш бўйича амалий ва назарий дастурлар ишлаб чиқилган. Минглаб инсонлар ана шу дастурлар асосида ўқитилди.

Қолаверса, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг молиявий саводхонлигини ошириш, молиявий хизматлар ва махсуслашган, жумладан, капитал бозори ҳамда молиявий инструментлар ҳақида хабардор қилиш борасида мунтазам таълим дастурларини янги йўлга қўйилмоқда. Бу чора-тадбирларни янада кенгайтириш, янги лойиҳаларни татбиқ этиш, аҳолига молиявий ва инвестицияга оид билимларни энг бошдан ўргатиш орқали жамиятда молиявий саводхонлик даражасини оширишга эришиш мумкин.

ЭКОЛОГИЯ



Хамза АМИНОВ, Табиат ресурслари вазирлиги ҳузуридаги Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш технологиялари илмий-тадқиқот институти директори ўринбосари

Бошланғич 1-бетда

Бундан 2 йил олдин — 2021 йил ноябрь ойида давлатимиз раҳбари “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини эълон қилган. Уштан йиллар давомида лойиҳа аъёна тусини олиб, чин маънода умуммиллий ҳаракатга айланди. Унинг доирасида йилига 200 миллион туп дархат ва бутта кўчатларини экиш белгиланган. Жойларда мазкур хайрли иш кенг қўл очиб, мавсумий даврларда юзлаб, минглаб дархат кўчатлари экилмоқда.

Жорий баҳор мавсумида ҳам “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш, яшил майдонларни кенгайтириб, юртимизни кўкаламзорлаштиришга жиддий тайёргарлик қўрилаётти. Иқлим шароити, об-ҳавоси ва бошқа жиҳатларидан келиб чиққан ҳолда дархат ва бутталар танланмоқда. Одатдагидек, кўкаламзорлаштириш ишлари мутахассислар тавсиялари асосида олиб борилади. Айниқса, ҳудудларда “Яшил белбоғ”лар яратиш вазифаси ҳам лойиҳанинг асосий йўналишларидан бири саналади. Жорий йилнинг 8 февраль кунги Президентимиз раислигида ўтказилган

“Яшил белбоғ” табиатнинг муҳофаза зонаси

видеоселектор йиғилишида 2023 йилда “Тошкент яшил белбоғи” лойиҳасини бошлаш ҳамда баҳор мавсумида 525 минг туп дархат ва бутта, 20 миллион туп гул экиш вазифаси қўйилди. Мазкур лойиҳани самарали амалга ошириш юзасидан хорижий экспертлар жалб қилиниб, халқаро ва молиявий ташкилотлар билан ҳамкорликда ишлар олиб борилмақда. Шулардан бири БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамда маҳаллий мутахассисларимиз билан ҳамкорликда амалга оширилаётган “Яшил макон умуммиллий дастурини қўллаб-қувватлаш мақсадида инновацион молиявий ёчимлар ва бош режани ишлаб чиқиш” лойиҳасидир. Қўшма лойиҳа Табиат ресурслари вазирлиги ҳамда БМТ Европа иқтисодиёт комиссияси томонидан молиялаштирилмоқда. Хорижий ҳамкорлар “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси ташаббусини молиялаштириш орқали унинг барқарорлигини таъминлаш, юртимизда яшил ҳудудларни кўпайтиришга қўмаклашиши мақсад қилган.



Табиатга “яшиллик” зарур

Лойиҳа ўтган йилнинг август ойида бошланган эди. Илк объект сифатида юртимизнинг жанубий ҳудуди бўлган Сурхондарё вилояти танлаб олинди. Бугунга қадар вилоят ҳудудида 11 корхона томонидан 2,3 гектар ер майдонига 3200 тупдан ортиқ турли манзарали дархат кўчатлари экилди. Термиз шаҳри, шунингдек, Термиз, Жарқўрғон ва Шеробод туманларидаги 100 гектар майдонда эса яшил боғ ва жамоат парклари ташкил этилди. Биргина Жарқўрғон туманида ўтган йили “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида жами 410 минг туп мевали ва манзарали кўчат ерга қадалган. “Янги Ўзбекистон” мавзесида 2 гектарлик “Яшил белбоғ” майдони барпо этилди. Майдон 1050 туп манзарали кўчат билан ўралди. Улар кўп қаватли уйлари кум буронларидан муҳофаза қилади. Шу мақсадда, бу йилги баҳор мавсумида ҳудуднинг яна 2 гектар майдонига “Яшил белбоғ” яратиш кўзда тутилган.

Дархат ва ўсимликлар навларини танлашда эса соҳа мутахассислари фаол иштирок этмоқда. Умуман, ҳар бир ҳудудда экиладиган кўчатлар нави, уларнинг парвариши ҳамда сўғориш тизимларидан тортиб, қўлланиладиган замонавий технологияларга аниқ дастурлар ишлаб чиқилди. Чунки кўчатларни экиш билан лойиҳанинг вазифаси якунланмайди. Уларнинг унинг-ўсиши, парвариши, кўчатлар илдизи тагида намликнинг яхши сақланиши қабилар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, “Яшил белбоғ”ларни ўз ҳолича сақлаб қолиб, янада кенгайтириш шароит яратиш катта меҳнат ва масъулият талаб этади. Шу ўринда, “Яшил белбоғ”нинг одатдаги яшил боғлардан фарқи нимадан, деган савол туғилади. Бунинг жавоби оддий: “Яшил белбоғ” шаҳар атрофи ёки уларга туташ ҳудудларда ташкил

этиладиган дархат ва бутталардан иборат экан. Улар, асосан, ўша ерларни урбанизация таъсиридан химоя қилиш мақсадида барпо этилади. Ва одатда, танланган ҳудуд бўйлаб маълум турдаги ўсимлик экилади. Белбоғ сўзи эса яшилликнинг танланган ҳудудни ўраб олишига ишорадир.

Жаҳон амалиётида бундай лойиҳалар сони охиб бораётти. Масалан, Африкадаги “Буюк яшил девор” лойиҳаси қитъанинг Атлантика қирғоғидан Қизил денгизгача бўлган ҳудудда дархатлар экишни ўз ичига олади. Лойиҳанинг мақсади Сахрои Кабир қўрғонининг кенгайтириш тўхтатиш ва яшилликни кўпайтириш ҳисобига кум буронларини қайтаришдан иборат.

Сир эмас, тараққиёт асри шаҳарсозликнинг ривожланиши сиз кечмади. Катта-катта уйлар, биноларнинг қурилиши, ишлаб чиқариш корхоналарининг қўпайиши эса табиатга ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди. Табиат бунга, аллақачон, ўз “жавобини” қайтармоқда. Экологик муҳитнинг бузилиши, глобал иссиқлик ва кум буронлари инсониятнинг

турмуш тарзига сезиларли таъсир кўрсата бошлади. Жаҳонда экология, атроф-муҳитни асраш долзарб масалалардан бирига айланди.

Шу боис, юртимизда асосан, sanoat корхоналари атрофида “Яшил белбоғ” ташкил этиш ташаббуси илгари сурилмоқда. Бу орқали корхонанинг фаолияти давомида атроф-муҳитга чиқётган зарарли чанг-газарларни қисман бўлса ҳам ушлаб қолишга эришилди. Sanoat қичқиндирилган экологияга салбий таъсирини шу тарзда қайтариш мумкин.

Жорий йил баҳор мавсумида Сурхондарёда ўнга яқин корхоналар томонидан “Яшил белбоғ”лар ташкил этиш кўзда тутилган. Қолаверса, давлат инспекторлари вилоятдаги барча корхоналарда “Яшил белбоғ” ташкил этиш бўйича тавсиялар беримоқда.

Илдизи мустаҳкам чўл ўсимлиги

“Яшил белбоғ” яратиш, умуман, ҳудудларни кўкаламзорлаштиришда ўша ерга мўъимликлар навларини танлаш муҳим аҳамиятга эга. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасининг ўзига хос

аҳамияти ҳам шунда. Унга жалб қилинган мутахассислар соҳада узоқ йиллик тажрибага эга, ушбу йўналишда қатор тадқиқотлар олиб бораётган олимлардан иборат. Улар асосан, минтақамиз иқлимига мос бўлган каштан, оқ қайин, эман, япон сафораси, қайрағоч, павлония, чирноқ, ёнғоқ, қирим қарағачи, тут, виржин арчаси, саксовул, туранил каби дархат ва бутта кўчатларини таклиф этмоқда. Албатта, уларнинг қайси ҳудудга мос келиши ҳам инобатга олинмоқда.

Сурхондарё вилояти чўл ҳудуд ва асосан, иссиқ иқлимдан иборат бўлгани боис, тажриба тариқасида саксовул кўчатлари ўстирилмоқда. Уштан йили вилоятнинг 85 гектар ер майдонига саксовул уруғлари қадалиб, 125 минг туп кўчат экилди. Ҳозирда уларнинг парвариши бўйича алоҳида ишлар олиб борилмақда.

“Яшил белбоғ” ва яшил майдонлар яратишда саксовул ўсимлиги танланган бежиз эмас. Боиси, у кўп йиллик чўл ўсимлиги бўлиб, Сурхондарё иқлимига яхши мослашган. Ортиқча парвариши талаб қилмайди, чўл буронларини қайтаришга хисса қўшади. Ҳамма гап унинг бақувват илдизида. Бу илдиз тупроққа чуқур кириб бориб, горизонтал йўналишда 8 метрга ўсиши мумкин. Натижада кўрни мустаҳкамлаб, кўчкиларга йўл бермайди.

Соҳа олимларининг таъкидлашича, 3 йиллик саксовулзорда кум қўчиши 55 фойзага, 5 йиллик ўсимлик бор майдонларда эса 79.5 фойзага қамаяди. Буни қарангки, ушбу бутта 7 ёшга етганда ўша ҳудудда кум қўчиши синга-ри салбий ҳолатлар бутунлай тўхтайд-ди. Қолаверса, ўсимлик ернинг ўсти-кисмида шамол тезлигини қайтариш им-конини беради.

Демак, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасидан қўзланган мақсад фақат яшил маконлар, боғ-роғлар яратишдан-гина иборат эмас. Унинг замирида она табиатни асраш, экологик муҳитни яхши-лаш, атмосфера ҳавосини тозалаш каби глобал масалалар муҳимасан. Гарчи лойиҳа келгуси ўн йилликлар-ни ўйлаб амалга оширилаётган бўл-са-да, бугунги кунда ҳам ўз натижаси-ни бера болади. Юртимизда яшил макон, яшил масканлар сезиларли кўпайиб бор-моқда. Шундай майдонларни ҳозирги 8 фойзадан 30 фойзага ошириш қўзланган. Марра забт этилган, кейинги босқичлар-га ўтилади. Бу жараёнларда юртдошлар-имизнинг ҳам фаол иштироки сезилиб, ерга битта ниҳол қадаб бўлса-да, табиат олдидаги даҳлдорликни ҳис қилаётгани, айниқса, кишини қувонтиради.

Решид Галиев оғлан суратлар

БУГУННИНГ ГАПИ

СИФАТЛИ АКАДЕМИК ТАЪЛИМ

ҳарбий-ватанпарварлик, ўзликни англаш омили



Бобур ШОЎҚУБОВ,
Қуролли Кучлар академияси бошлиғи, полковник

Бошланиши 1-бета

Демак, бутун диққат-эътиборни Янги Ўзбекистонни барпо этиш учун энг катта инвестиция бўлган таълим сифатини қўллаб-қувватлашга қаратмоғимиз лозим.

Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондон Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 30 йиллик байрамига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида "Миллий давлатчилигимизни тиклаб, бизга тараққиёт ва фаровонликка эришиш йўлида мана шундай беқиёс имкониятларни яратиб берган истиқлолимиз жонажон Ватанимизнинг шонли тарихида ҳамisha энг ёрқин, ўчмас саҳифа бўлиб қолади... Мамлакатимиз мустақиллиги ва суверенитетини, сарҳадларимиз дахлсизлигини, халқимизнинг тинч ва оқсоқил ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган Қуролли Кучлар барпо этилди", дея таъкидлади.

Ҳозир жаҳондаги мураккаб вазият биздан ишнинг қўзини билиб, кечаю кундуз фидойи бўлиб, самарали меҳнат қилишни талаб этади. Амалга оширилган ишларга қўшимча равишда янги, замонавий ҳарбий таълим тизими жорий этилди, бир қатор ҳарбий таълим муассасалари ташкил этилиб, курсантларни



ўқитиш кўп тармоқли асосда йўлга қўйилди. Юқори бўғин қўмондонлик офицерларини тайёрлаш ҳамда мудофаа қурилиши соҳасида илмий тадқиқотларни амалга ошириш янги босқичга олиб чиқилди. Бу борада, айниқса, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академияси гоят муҳим ўрин эгаллаб келмоқда.

Очғини айтганда, Қуролли Кучлар академияси мамлакатимизнинг бошқа олий ҳарбий таълим муассасаларига муқобил ва рақобатчидир. Демак, битирувчилар ўз йўналиши бўйича намуна бўлиши керак. Улар сиймосида ҳарбий иш сир-асорини пухта эгаллаган, буюк саркардаларимизнинг жанговар руҳи ва маҳорати акс этган Янги Ўзбекистон ҳарбийлари, офицерлари гавдаланиши лозим.

Давлат ва жамият тараққиёти инсон омилига боғлиқ экан, унинг савиясини, билим ва салоҳиятини юксалтириш энг долзарб масалага айланади. Президентимиз юртимиз бўйлаб қайси қорхона ёки ташкилотда бўлмасин, мутасаддилар билан учрашмасин, албатта, учта сўзни такрорлаши ва талаб этиши бежиз эмас. Булар — сифат, самара ва

натияждорлик. Қилинган ҳар бир ҳаракатнинг натижаси ва самараси сифатга боғлиқ бўлади. Мана шу сифатни эса яхши таълим олган етук кадрлар таъминлайди.

Шу ўринда америкалик психолог Линда Жўэлнинг фикрларини келтириш ўринли: "Ақл билан бошқаларни лол қолдириш қийин бўлган, қаҳрамонлик кўрсатиш имконияти чекланган ҳозирги тезкор замонда ходимлар мавқеини ошириб, лидерлар таъсирини суъайтиришга қаратилган бошқарув анча самарасиз бўлади. Одамларга эркин фаолият юритиш ва самарали ишлаш йўналишини белгилаб берадиган раҳбарни супер лидер деб баҳолаш керак. Демак, супер лидерларнинг бошқариш доираси кенг бўлгани учун афрофида ўзидан лавозим бўйича пастроқ, лекин раҳбарлик қилиб обрў орттирган одамларнинг бўлиши манфаатлидир". Шу нуқтаи назардан, мамлакатимизда Ватанга муҳаббат ҳисси Президент тимсоли орқали халқимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда турмуш тарзи фаровонлигини ошириш ҳисобланади. Янги Ўзбекистон тараққиёти ва раванқи, унинг Осиёдаги қудратли, ривожланган давлатга айланиши ҳамда дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслигини таъминлаш асосий вазифа бўлиб қолади.

Академияда чуқур ҳарбий таълим ва жанговар тарбия бериш билан бирга, ёшларнинг назарий билимини амалиёт билан уйғунлаштириш муҳим аҳамият касб этади. Шундай экан, профессор-ўқитувчилар, катта тажрибага эга амалиётчи устозларнинг курсант ва тингловчилар учун маънавий-маърифий, ахлоқий-руҳий ҳамда ватанпарварлик дунёсини, шунингдек, жанговар тайёргарлигини оширишга қаратилган имкониятини янада кенгайтириш талаб этилади. Бунинг учун уларга ижодий-амалий вақт яратиш бериш, уни мазмунли ўтказишга шароит ҳозирлаш жуда муҳим.

Яқин ўтмишга назар ташласак, ўқув йили ибтидоси педагогларнинг ёзилмаган йиллик иш режасида пахта терими мавсуми бошланишини аналгларди. Қаҳратон киши қаҳар давом этадиган бу мавсумни бўлғуси офицерлар

ва ҳарбий касбга қизиқишни шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Иккинчидан, умумтаълим мактаблари, махсус мактаб ва лицейлар битирувчиларига алоҳида ургу берилиши бежиз эмас. Умумтаълим ва Жалолиддин Мангуберди мактабларида, шунингдек, "Темурбеклар мактаби" ҳарбий-академик лицейида "академия гуруҳлари"ни ташкил этиш катта аҳамиятга эга. Улардаги ўқувчилар орасидан ҳарбий касбни танлаганлар танлов орқали қабул қилинади. Бу уларнинг академик таълимдаги ўқиш ва ўзлаштиришдаги натижадорлигига улкан имконият яратяди.

Миллий армиямиз моддий жиҳатдан энг замонавий ва зарур воситалар билан таъминланган бўлиши мумкин, лекин маънавий ва ахлоқий-руҳий жиҳатдан заифлиги, жанговар руҳи, Ватанга содиқлик ва муҳаббат, унинг тақдири учун масъулият ҳисси йўқлиги ёки лоқайдлик тузатиб бўлмас оқибатларга олиб келиши мумкин. Шунинг учун сифат жиҳатидан маънавий-маърифий ва жанговар тайёргарлиқни амалга оширишга қаратилган ҳамда амалиёт билан боғланган таълим тизимини жорий этиш муҳим аҳамиятга эга.

Курсантларда миллий ғурур ва жанговар руҳини тарбиялаш, уларнинг жисмоний ва интеллектуал имкониятларини рўёбга чиқариш мақсадида тарих ва миллий ҳарбий мерос, миллий мусиқа ва чолғу, бахшичилик, рассомлик, ҳарбий журналистика, шахмат, "Заковат" клуби, миллий кураш, ўзбек жанг санъати, қўл ва пичоқ жанги, сузиш, бокс, тош кўтариш, енгил атлетика, шунингдек, инсон жисмоний тақомиллашувининг замонавий усулларини ўзида муҳасам этган кроссфит тўғрақлари ташкил этилди.

Шу ўринда Президентимизнинг "Буюк тарихимиз, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Захриддин Муҳаммад Бобур каби улғу аждодларимизнинг саркардалик маҳорати ва дунё ҳарбий санъати ривожига қўшган ҳиссаси ҳамда уларнинг қўшинларидаги лашкарбошиларнинг садоқати ва мардлигини шахсий таркиб ўртасида кенг тарғиб этиш лозим", деган фикрларини эслатиш жоиз. Шунга қўра, академияда Бобурнинг ҳаёти ва фаолияти қўсемий-таҳлилий ўрганилади. Унинг қаламига мансуб рубоийлар ҳарбий хизматчилар томонидан ижро этилмоқда, саркардалик маҳорати ва шoirлик фаолияти акс эттирилган видеоларга тайёрланиб, интернет саҳифаларига жойлаштирилмоқда.

Академияда ташкил этилган "Қурсантлар театри" тўғраги томонидан саркарданинг дунё ҳарбий санъати ривожига муҳим аҳамият касб этган Панипат жанги саҳналаштирилди.

Таълим нафақат давлатнинг, балки бутун халқнинг диққат марказида бўлсагина сифат ва самарадорликка эришиш мумкин. Биринчи навбатда, бу масалага ота-оналар ва мактаб педагоглари жамоаларининг эътиборини ошириш даркор. Чунки мактабда миллат келажаги тарбияланади. Ўқувчиларни қўйи синфлардан бошлаб миллий ўзлигимиз ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, бой тарихий меросимизни ўргатиш асосида уларда мамлакат тақдири учун жавобгарлик ҳиссини, юксак ҳарбий-ватанпарварлик



ҳамда салоҳиятини ошириш бўйича академияда қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Сўнгги тўрт йилда ўқув муассасасининг илмий салоҳияти 19,4 фоиздан 47 фоизга кўтарилди. Академия докторантурасида ҳарбий фанлар соҳасининг 19 та ихтисослиги бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Илмий-педагогик кадрлар ва изланувчилар учун ҳарбий-илмий фаолиятни ташкил этиш ва бошқариш соҳасида қисқа мuddатли ўқув курслари ташкил этилди. Уттан йили академиянинг 9 нафар тадқиқотчиси фалсафа доктори диссертациясини муваффақиятли ёқлади. Шу билан бирга, 13 нафар профессор-ўқитувчига доцент ва профессор илмий унвонлари тақдим этилди. Натижада академия илмий салоҳияти 53 фоизга кўтарилди. 2023 йилнинг якунига қадар илмий салоҳияти 60 фоизга етказиш режалаштирилган.

Юқори кўрсаткичларга эришиш учун барча сафарбар этилди ва оқилона механизм сифатида илмий-эксперт гуруҳи шакллантирилди. Уттан йилда академия профессор-ўқитувчилари ва илмий ходимлари Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан ажратилган 5 та лойиҳани муваффақиятли якунлади. Ҳозир 2021-2023, 2023-2025 йилларга мўлжалланган, жами 5,2 миллиард сўмлик 5 та лойиҳа устида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Улуғ муаллим Конфуций "Умрида йиқилмаган киши буюк эмас, неча бор йиқилган, аммо ўрнidan шадд билан туриб, ўзига ишонч билан олдинга интилган одам буюқдир", деган. Унинг яна бир фикри шуки, йўлга мақсадсиз чиққан инсон, шубҳасиз, фалокатга йўлиқяди. Қуролли Кучлар академияси жамоаси сўнгги йилларда эришган ютуқлари, йўл қўйган хато-камчиликларини холис баҳолаб, уларни қайта тақорлашмаслик тадоригини кўриб, аниқ мақсад билан олдинга интилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис ва халқимизга Мурожаатномасида, жумладан, бундай деди: "Энг бебаҳо олий неъмат — тинчлигимиз ва оқсоқиллигимизнинг қадрига етайлик, оилаларимиз, фарзандларимиз, келгуси авлодларимизнинг бахту қамолти учун бу улғу бойлиқни асраб-авайлайлик! Шу мақсадда биз ёшларимизни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг она юртва меҳри ва садоқатини оширишга янада кўпроқ аҳамият беришимиз керак". Шундай экан, барча эзгу мақсадларга эришиш йўлида бор имкониятимизни ишга солиб, курсант ва тингловчилар билан ҳар бир машғулот ёки тадбирга жамиятимиз саодатининг асосий шарти сифатида чуқур ёндашса, ҳарбий кадрлар тайёрлашда сифат, самара ва натижадорликка эришамиз, албатта.



Бобуршуннос олимлар иштирокида профессор-ўқитувчилар, курсант ва тингловчилар билан "Захриддин Муҳаммад Бобурнинг ҳарбий санъати" мавзусида маърифий тадбир ташкил этилди. Аини кезде Захриддин Муҳаммад Бобур номи берилган курсантлар гуруҳи томонидан ўрта асрлар жанг майдонидagi қўшинлар манёври бўйича саркарда томонидан асос солинган ўзига хос усул — тўлғаманинг мазмун-моҳиятини очиб берувчи анимацион роликлар яратиш, илмий тадқиқотлар маркази томонидан эса "Захриддин Муҳаммад Бобурнинг дунё ҳарбий санъатига қўшган ҳиссаси" мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман ўтказишга тайёргарлик олиб борилмоқда.

Илмий тадқиқот ишлари самарадорлигини ошириш, ёш ҳарбий кадрларини илмий фаолиятга кенг жалб этиш

ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

Яқинда давлатимиз раҳбари Жиззахга амалга оширган навбатдаги ташрифи чоғида "Пахтакор элита уруғчилиги" фермер хўжалиги фаолияти билан яқиндан танишар экан, бу ерда тўпланган бой тажрибани кенг оммалаштириш борасида мутасаддиларга топшириқлар берган эди.

ПРЕЗИДЕНТ ТОПШИРИҒИ БЎЙИЧА ИШЛАР БОШЛАБ ЮБОРИЛДИ

Аини пайтда ушбу вазифа ижроси доирасида Жиззах вилоятидаги фермер хўжаликларидa 2100 дала уйи бунёд этиш, дала четларидан самарали фойдаланиб, турли мевали ва манзарали дарахтлар, полиз маҳсулотлари экиш, қўшимча даромад манбаи сифатида ҳар бир хўжалик қошида паррандачилик ва асаларичилик каби тармоқларни кенгайтиришга киришилди.

Бу борада "Пахтакор элита уруғчилиги" даласида барча вилоят фермер хўжалиги ва кластер раҳбарлари иштирокида ўтказилган кўргазмали семинарда сўз борди.

— Ернинг ҳар бир қаричидан самарали фойдаланиш қўшимча даромад манбаидир. Бунинг учун воҳа фермер хўжаликларидa имкониятлар ҳам, шароитлар ҳам етарли. Бугунги семинарда жорий йил экиш мавсумидан бошлаб пахта ва ғаллачилик йўналишидаги 2300 фермер хўжалигини дала четлари, шунингдек, ариқ ва зовурлар ёқалари ўзлаштирилиб, 2000 гектардан зиёд майдонда ошқовок, саримсоқийёз ва бошқа қишлоқ хўжалиги буюқларини экиш белгиланди. Дала четларидаги 400 гектар майдонда тут, терак ва бошқа мевали ҳамда манзарали дарахтлар, 500 гектардан зиёд ерда тоқзорлар бунёд этиш вазифаси юклатилди.

Шунингдек, семинарда шундай дала уйларини қуриш, хўжаликларга уруғлик, парранда, асалари уяларини етказиб бериш, тайёр маҳсулотни сотиш бўйича таъминотчи ва экспортёр қорхоналар вакилларининг тақлиф ва тавсиялари ўрганилди, кўрсатиладиган хизматлар сифатини яхшилаш, экспорт салоҳиятини ошириш борасидаги муҳим вазифалар ҳам белгилан

бериб, асаларичиликни йўлга қўйиш бўйича доимий "мастер-класс"лар ўтиб бормоқчимиз, — дейди Жиззах вилояти асаларичилар уюшмаси раҳбари Эркин Назаров.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда қайта тикланувчи энергия ишлаб чиқаришга ва бундай манбалардан кенг фойдаланишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада Жиззах вилоятида ҳам ташкилотлардан ташқари ўз хонадонига қуёш панеллари ўрнатиб, доимий энергия ресурсига эга бўлаётган ҳамда яхшигина фойда олаётган раҳбари сағи кенгаймоқда.

— Давлатимиз раҳбари вилоят фаоллари билан учрашувда бошқа масалалар қатори муқобил энергия имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш топшириғини берди. Ушбу топшириқ ижросини амалга ошириш учун маҳалламизда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боряпмиз. Аини пайтда маҳалламиздаги тўрт оила қуёш панелларидан фойдаланмоқда. Икки оиланинг қуёш панелларидан фойдаланаётганига қарийб икки йил бўлди. Уларнинг тажрибасини нафақат маҳалла ва туманимиз аҳолиси, шу билан бирга, бошқа туманлардан ҳам одамлар келиб ўрганапти. Маҳалламизда ўз хонадонига қуёш панеллари ўрнатиб, экологик тоза ва сифатли электр энергиясига эга бўлаётган оилалар сони тобора ортиб бормоқда, — дейди Дўстлик туманидаги "Қаҳрамон" МФЙ раиси Сафарбой Илғиков.

Бердоновлар оиласида олти киши яшайди. Хонадон эгалари ўз уйига 3 киловаттлик қуёш панеллари ўрнатганди. Бугун эса ушбу хонадонда электр энергияси билан боғлиқ муаммо йўқ.



олинди, — дейди Ўзбекистон Қаҳрамони, Жиззах вилояти фермер, деҳқон хўжаликчиси ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси Анорбой Эшматов.

Асаларичилик — етти хазинанинг бири. Ушбу соҳа яхшигина даромад манбаи бўлиши билан бирга, унинг таркибидa инсон организми учун зарур бўлган етмишга яқин микроэлементлар мавжуд.

Асаларичиликнинг қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини оширишда ҳам ўрни беқиёс. Мутахассисларнинг айтишича, асалари чанглатган ғўзанинг ҳосилдорлиги 30, мевали дарахтлар ва мойли экинларда эса 50 фоизгача ошиши исботланган. Шу сабабли кўпгина давлатларда асаларичилик билан шуғулланадиган одамлар фермерлар билан шартнома тузиб, экинларни чанглатишдан ҳам яхшигина даромад топмоқда.

— Ҳар бир фермер хўжалигига 20 та асалари оиласини етказиб бермоқчимиз. Вилоятимизда икки мингдан ортиқ фермер хўжаликчиси бор. Уларга 40 000 дан зиёд асалари оиласини

Сабаби, муқобил энергия манбалари хонадоннинг энергияга бўлган эҳтиёжини тўла таъминлаб келмоқда.

— Қуёш панелларини ўрнатганимизга икки йил бўлди. Натижада электр энергияси билан боғлиқ муаммолардан тўлиқ халос бўлди. Муқобил энергия манбасини ўрнатганимиз совуқ кунларда жуда асқатди, — дейди Эсон Бердонов. — Шу билан бирга, иқтисодий самарасини ҳам кўряпмиз. Илгари ҳар ой икки юз минг сўм афродида электр учун пул тўлардик. Президентимизнинг муқобил энергиядан олинган ортиқча энергиянинг минг сўмдан сотиб олинини бўйича ташаббусларидан илҳомланиб, эндиликда уйимизга беш киловаттлик қуёш панеллари ўрнатмоқчимиз. Дастлабки ҳисоб-китобим бўйича 5 киловаттлик қуёш панелидан оиламиз эҳтиёжидан ортганидан қарийб 500 кВтгача электр энергиясини давлатга сотиш имкони пайдо бўлар экан. Демокчиманки, қуёш панелларини ўрнатиш орқали ҳам ўзимизни ўзимиз доимий электр энергияси билан таъминланяпмиз, ҳам қўшимча даромад топяпмиз.

Бир сўз билан айтганда, давлатимиз раҳбарининг Жиззах вилоятига ташрифи воҳа аҳолисининг кайфиятини кўтариб, иқтисодий-иқтисодий тараққиёт йўлида янги марралар сари руҳлантирилмоқда. Буни ташрифдан кейин бошланган юқоридаги каби кенг қўламли саъй-ҳаракатлар самарасида ҳам яққол кўриш мумкин.

Фарҳод НЕЪМАТОВ,
"Янги Ўзбекистон" муҳбири

ЖАДИДЛАР

ҚАЮ МИЛЛАТДА МАКТАБ ЎЛМАСА, БЕШАК ХАРОБ ЎЛГАЙ...

ЁХУД ҲАМЗА ҲАКИМЗОДА НИЁЗИЙ ҲАЁТИНИНГ ҲАЛИ ЎРГАНИЛМАГАН САҲИФАЛАРИ

Шавкатжон ХОНҚУЛОВ, Фаргона политехника институти катта ўқитувчиси, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Туркистон истиқболли ўйловчи тараққийпарвар кучлар халқнинг деярли барча табақаларида мавжуд бўлган. Зиёлилар чоризмга қарши курашни дастлаб халқни асрий қоқоқликдан уйғотиш, сиёсий-маърифий жаҳаддан бошлашга қарор қилдилар. Жадидчилик ҳаракати ана шундай тарихий бир шароитда шакллана бошлади. Улар орасидан етук олимлар, маданият арбоблари етишиб чиқиб, юртни обод ва Ватанини мустақил қиришни оруз қилдилар ва шу йўлда фидойиларча курашдилар.

Янги усул мактаблари тармоғини кенгайтириш, қобилиятли ёшларни чет элга ўқишга юбориш, турли маърифий жамиятлар ва театр труппалари тузиш, газета ва журналлар чоп қилиш ҳаракатига бош бўлишди.

Фаргона водийсида Ибрат, Ашуралӣ Зоҳирӣ, Обиджон Маҳмудов, Ҳамза Ҳақимзода, Чўлпон, Ибодӣй сингари маърифатпарварлар бу ҳаракатнинг асосчилари сифатида эътироф этилади.

Водийда жадидчилик ҳаракати ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб турган. Айниқса, мактаблар ва ўқувчилар сони кўплиги, илк босмаҳона Фарғонада очилиши, сиёсий мақсадлар ранг-баранглиги жадидчилик ҳаракати чўқур маҳаллий илдиэларга эга бўлганидан далолат беради. "Садоӣй Фарғона", "Садоӣй Туркистон" газеталарининг маҳаллий халқ миллий-сиёсий онги ривожланишида муҳим ўрин тутиши Фарғона жадидчилик ҳаракатининг ўзига хос жиҳатларини намоён этади.

Кейинги йилларда яқин ўтмиш асарларини бугунги кунда шаклланган таҳлил таомиллари асосида баҳолаш борасида талай хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг "Биз диний жаҳолатга, зарарли оқимларга қарши маърифат билан курашиш кераклиги ҳақида кўп гапираримиз. Бу тўғри, албатта. Лекин маърифат, маърифий билимлар қаерда — аввало, ота-боболаримиз бизга қолдириб кетган мўътабар китобларда эмасми?", деган сўзлари XIX аср охири ва XX аср бошларида Туркистонда миллат болалари учун мактаблар очиб, таълим-тарбия тизимида мутлақо янги ўнашлиш тарғиботчиси бўлган Ҳамза Ҳақимзода Ниёзий шахсига ҳам тааллуқлидир.

Шоирнинг ҳаёти ва ижодий мероси коммунистик мафкура шароитида холис ва тўлақонли тадқиқ этилмаганидек, мустақиллик даврида ҳам жиддий қайта ўрганилган эмас. Шу боис, шоирнинг қўлёзмаларини киёсий ўрганиш ва унинг асарларини тарих ва адабиётшуносликда эришилган бугунги кун ютуқлари асосида қайта тадқиқ қилиш зарурати мавжуд. Шоир миллий театр, драматургия ва илғор маърифий-хўқуқий фикрлар ривож тарихида муҳим ўрин тутган шахслардан биридир. Чўнки у маърифатпарвар ва демократларнинг сиёсий гоёларини ривожлантириб, ўзининг турли жанрдаги асарларида маҳаллий аҳолининг онгига сиёсий гоёларни олиб киришга, тарғиб қилишга ва уларнинг юксалишига катта ҳисса қўшди. У мураккаб, бирок мазмундор ҳаёт йўлини босиб ўтди.

Ёш Ҳамза адабиётга ҳавас кўяр экан, аввало, Лутфий, Алишер Навоӣй, Фузулий каби классик шоирлар, айниқса, Муқимий ва Фурқат асарларидан баҳраманд бўлди, уларга эргашиб шеърлар ёзди. Ҳамзанинг шахсий архивида 1905-1914 йиллар мобайнида "Нихон" тахаллуси билан ёзган 214 та ғазал ва муҳаммас бор. Шулардан 4 таси 1905 йилда битилгани айтилган. Шоирнинг 1948 йилда топилган "Девон"и буни тасдиқлайди. Ҳамза 10-11 ёшида шеър ёза бошлаган. 25 ёшида "Девони Нихоний" тўплами нашр қилинди. Девонга унинг 15 йил ичида ёзган 177 та шеъри киритилган. Улардан 150 таси ғазал, қолгани турли жанрларга оид. Девондаги 165 та ғазал ўзбек тилида, 10 таси тожик тилида, 2 та шеър эса ўзбекча ва русча сўзлар аралаштириб ёзилган. Шакл ва мазмундаги бундай янгилашиллар, шубҳасиз, шоирнинг чиндан ҳам XX аср ўзбек маърифатпарварлик тараққийига катта ҳисса қўшганини кўрсатади.

Халқ оммасини маърифатли қилиш Ҳамза фаолиятида асосий ўрин тутди. У эҳтиёмандларни болалар ўқув кўланмалари, овқат ва кийим-кечак билан таъминлаш мақсадида "Жамияти хайрия" ташкил қилди. Бу мактабнинг довуғи Кўкон шаҳридан ташқарига ҳам тарқала бошлади. Маҳаллий маъмурлар бундан ҳайиқиб, 1913 йилда мактаб ва жамиятни ёпадилар. Аммо маърифатпарвар ижодкор тўхтаб қолмади. 1914 йил 8 декабрда Кўкондаги Муҳаммад Шариф маҳалласида Миразиз элликбоши ўғлининг боғида "Дор ул-айтом" (Етимлар уйи) очди. У бундай деб ёзган эди: "Биз йўқилларнинг болаларини ва етимларни ўқитишни хоҳлаймиз, уларнинг мияларини фойдали иш билан машғул қилмоқчимиз, шунинг учун ҳам ўзимизнинг "Дор ул-айтом"имизни очдик. Бу мактабда ўқитиш текин бўлиши билан бирга болаларга дафтарлар, ёзув ашёлари ва китоблар ҳам текин берилади".

У ўз мактаби учун "Енгил адабиёт", "Ўқуш китоби", "Қироат китоби" каби дарсликлар яратди. Бу дарсликларда ҳар бир дарс сўзларнинг келиб чиқишини изоҳлашдан бошланади, сўнгра бу тушунчанинг фалсафий мазмуни берилади. Муштамлақачи маъмурият маҳаллий халқ таълими ривожланишига асло тоқат қила олмас эди. Шу сабаб турли йўллар билан тўқинчилик қилар эдилар. Буни англаган



Шоир 1914-1915 йилларда ёзилган "Ўқи!", "Илм иста", "Олим бўлайлик", "Китоб", "Қалам", "Мактаб", "Хижоқ", "Тўғри сўз бола", "Тошбақа билан Чаён", "Қиморнинг боши", "Боланинг ёмон бўлмоғига сабаб бўлган онанинг жазоси" каби ижод намуналарида илм-маърифат ахлоқ-оқиб, тўғрилиқ, халлоқлик, чин дўстликни тарғиб қилди. Шоир ўз даврида содир бўлаётган воқеа ва ҳодисаларни синчиқлаб кўзатиб борди. "Садои Туркистон", "Садои Фарғона", "Улуғ Туркистон" газеталарида, "Ал-Ислох" журналида публицистик мақолалари мунтазам босилиб турар эди. Мақолаларда маҳаллий халқнинг иқтимоий, маънавий ва руҳий ҳаёти манзаралари ниҳоятда ерқин тасвирланган. Жумладан, "Бидъатми? мажусиятми?" номли мақоласида диний бидъатлар қатори киморбозлик, ичкиликка муқкасидан кетиш ҳолатларини танқид қилиб, ислом динининг софлиги ва тарқийёти илм-маърифат билан боғлиқлигини очиб берган. "Мактаби дор ул-айтом" мақоласида эса Кўкон шаҳридаги Бекбачча маҳалласида таъсис этилган янги тилдаги мактабнинг аҳамиятини қаламга олган.

Ҳақида маълумот бериб келганлар. Аммо Мунавварқорининг Ҳамза архивида сақланиб қолган хатларидан мажмуанинг нашр этилиши тарихига доир янги маълумот юзага чиқади.

Мунавварқорининг 1916 йил 1 январь санали хатидан маълум бўлишича, Ҳамза унга "Ферузахоним" асари, "Енгил адабиёт" рисоласи ва бир шеърнинг китобини юбориб, устознинг шу асарлар ҳақидаги фикрини билмоқчи ва, илоҳи бўлса, "Туркистон" кутубхонаси ёрдамида чоп эттирмоқчи бўлган. Афтидан Ҳамза Мунавварқорига зикр этилган асарлари билан бирга, "Миллий ашулалар"ни ҳам юборган. Устознинг 1916 йил 17 февралда битилган хати бу ҳақда маълумот берибгина қолмай, "Миллий ашулалар"нинг Кўконда Ҳамза томонидан чоп этилгани хусусидаги фикрга ҳам аниқлик киритади. Хатда: "Биродари азизим! Мактубларингиз вақтида жавоб ёза олмаганимнинг хусусида афвингизни истирҳом қилурман. Китобларингизни кўрдим. "Миллий ашулалар"ингизни ўз исмингиздан таъб этдирдим. Янҳи қоғозда 12 бет бўлиб, минг донаси 28 сўмларга тушди. Ҳозирда тахловчида. Баҳосини 6 тийин, почта ила 8 тийин қўйдим. Ҳаммаси бўлиб 895 нуска китоб бўлса керак. Қоғоз ва бошқа масорифлари ширкат ("Туркистон" ширкати назарда тутилмоқда) тарафидан тутулди. Эмдиликда ширкатга хизмат ҳақи учун неча нуска марҳамат қилсангиз, маал ташаккур, ортиб қолгонини ўзингизга юборуримиз. Фақат 28 сўмини кутубхонага тезроқ перевод қилувингиз рижо ўлинув. Аввалги шеър китобингиз қоғоз қаҳатлиги сабабли босилмай турбдур... "Миллий ашулалар"ингиз оз ва кичкина бўлгон сабабли бостурилди. Бошқа асарларингиз тўғрисида иншо-олло билот кўрушуб сўйлашуримиз", дея баён этилган.

Абдурашидхоннинг бу ва бошқа хатларига асосланган ҳолда шуни қайд этиш лозимки, Ҳамза Тошкентдан кетганидан кейин ҳам пир деб эътироф этган сиймо билан мунтазам алоқада бўлиб, унга ёзган асарларини юборган ва унинг фикрини олиб турган. У Мунавварқори ихтиёридаги "Туркистон" кутубхонаси нашр имкониятларидан фойдаланиш ниятида бўлган. Ҳамза "Ферузахоним", "Енгил адабиёт" ва "Миллий ашулалар"ни устоздан олган "миллий сабоқлар"нинг амалий самараси сифатида, гўё ижодий ҳисобот тарзида унга юборган. Аммо совет даврида Ҳамза каби жадидлар фаолияти хусусидаги маълумотлар сохталаштирилиб, бу борада кўплаб мақолалар чоп этилган. Масалан, С.Ражабовнинг "Ҳақимзода Ниёзийнинг педагогик

мероси" мақоласида "Ҳамза Ҳақимзода эски ва жадид мактаблари муаллимлари кўпчилиги ўз тилидан бошқа тилни билмас, қаласавод, маданиятсиз, баъзан ахлоқсиз кишилар эканини, улар болаларга ҳеч нарса ўргата олмаслигини тушунар ва шунинг учун уларни аёвсиз фош қиларди", деган маълумотни учратамиз.

Мақолада шоирнинг ижодий фаолияти сунъий равишда сохталаштирилганини кўриш мумкин. Чунончи, 1914 йилда "Садои Фарғона" газетасида жадид мактабларида ишлаш учун 2 ўқитувчи кераклиги ҳақида мана бундай эълон босилади: "Намоз ўқийдиган, ичкилик ичмайдиган, айш-ишратдан йироқ икки муаллим керак... яхши вазифа берилур. Адрес идорада". Ушбу маълумотлар Ҳамзанинг жадид маърифатпарварларидан бири бўлгани, унинг педагогик диди ва маънавияти нақадар нозиклигини далолат беради.

Ўзбек жадид драмалари ҳақида сўз юритиш унинг муаллифлари ёки ўша давр тушунчаси билан айтганда, мусанниф ва муҳаррирлари хусусида ҳамда сахналаштирилиши, чоп этилишидан қатъи назар, яратилган пьесаларнинг миқдор-салмоғи хусусидаги айрим тафсилотларни тақозо этади. Чўнки аввал айтганимиздек, бу давр драматургиясига бепасанд қараш ёки совет даврида оқишлаб, кейин фақат Ҳамза ижодини ажратиб олиб, қолганидан кўз юмиб ёки эътиборсиз қолдириш адибиётшунослик ва театршуносликнинг катта камчилиғидир.

Х.Х.Ниёзий ижодий фаолиятининг иккинчи босқичи 1918 йилдан бошланди. Шоирнинг 1917 йил октябрь тўнтаринида бадиий ижодининг ҳамма имкониятларидан адабий тур ва жанрларидан фойдаланди. Барча жадид мутафаккирлар сингари у ҳам 1917 йил февраль воқеаларидан сўнг хаммаси тутди. Туркистон халқлари муштамлақа қўлқилдан озод бўлди, деб ўйлади. "Шўрои Исломию" жамиятининг дастлабки фаол аъзоларидан бири бўлди. У ушбу жамият билан илқ муносабати, қолаверса, Туркистон Мухторияти ҳукумати фаолиятида асосий ўрин тутган Обиджон Маҳмудов, Саидносир Миржалиловлар билан яқин алоқада бўлгани шахсий архив ҳужжатларида ҳам қайд қилинган.

Ҳамза 1918 йилда Фарғонага қайтди ва бутун кучини театр соҳасига бағишлади. Театр труппалари билан ҳамкорликда сахна асарлари қўйди. Кўконда муаллимликни давом эттирди, ундан Фарғонага келиб, маданий-маърифий ташкилотга кириб театр тузди. Айнан шу йилларда советлар томонига ўтиб, ўз қобилиятини бадиий ижодга эмас, совет ҳукуматининг тарғибот-ташвиқот ишларида сафарбар этилди. "Миллий ашулалар"ингиз оз ва кичкина бўлгон сабабли бостурилди. Бошқа асарларингиз тўғрисида иншо-олло билот кўрушуб сўйлашуримиз", дея баён этилган.

1920 йилдан сўнг шўхрати сўниб, ижодкорлик шижоати суस्ताшди. Ҳамза кашшоқлашиб қолди. 1921-1922 йилларда Фарғона обқоми топириги билан Бухоро ва Хоразмга илқ халқ республикалари таърихисини ўрганиш мақсадида юборилди. Лойиҳани тугатган, Хўжайли мактабига директор бўлиб, Хоразмда яна икки йил ишлади. Ҳамзанинг шахсий қўндаликлари ўрганилганда у бажараётган иши, елғизлик ва қоғозбозликдан нафратлангани, лекин маошнинг деби ишлашга мажбур бўлганини сезиш мумкин. 1924 йили Хоразмдан қайтди — бу гал ҳам ишсиз қарзга ботиб ва соғлиғи ёмонлашиб кўн кеңирди. Фарғонанинг Аввал қишлоғида икки-уч йил шундай яшади. Ҳамза пайтадаги Ўзбекистон ҳукумати раҳбари Йўлдош Охунбобоев билан боғлиқ, бир неча сахна қўндаликлари буюртма олдди ва жамоатчилик ҳаётига қайтди.

ҲАМЗА 1918 ЙИЛДА ФАРҒОНАГА ҚАЙТДИ ВА БУТУН КУЧИНИ ТЕАТР СОҲАСИГА БАҒИШЛАДИ, ТЕАТР ТРУППАЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА САҲНА АСАРЛАРИ ҚЎЙДИ. ҚЎҚОНДА МУАЛЛИМЛИКНИ ДАВОМ ЭТТИРДИ, УНДАН ФАРҒОНАГА КЕЛИБ, МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ТАШКИЛОТГА КИРИБ ТЕАТР ТУЗДИ. АЙНАН ШУ ЙИЛЛАРДА СОВЕТЛАР ТОМОНИГА ЎТИБ, ЎЗ ҚОБИЛИЯТИНИ БАДИЙ ИЖОДГА ЭМАС, СОВЕТ ҲУКУМАТИНИНГ ТАРҒИБОТ-ТАШВИҚОТ ИШЛАРИГА САФАРБАР ЭТДИ. СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ЯНГИ ШАКЛДАГИ МУСТАМЛАКАЧИЛИК СИЁСАТИ ОҚИБАТЛАРИНИ ОЛДИНДАН КЎРА ОЛМАДИ.

1928 йил август ойида советлар ўз сиёсатини амалга ошириш, жамоа ҳўжа-ликларини ташкил қилиш, ислом диний хурофотига қарши курашиш учун шоирни Шохимардонга юборди. Аммо у ерда шоир қаттиқ қаршиликка учрайди. Совет ҳукумати бўлган воқеаларни билса-да, амалда шоирни қўллаб-қувватламади.

Ҳамза ўз ижодида ўзбек хотин-қизларининг ҳўқуқий тенглиги ва уларнинг илми бўлишига алоҳида эътибор қаратган. Аёлларни озодликка чиқаришни жадидлар ҳам хоҳлаган, лекин улар бу ишда советлар қўллаётган усуллардан норози эди. Ҳамза "Хўжум" ҳаракатининг энг шижоатли тарафдор бўлган. 1927 йил "Ўзбек хотини тилидан", "Ўзбек хотин-қизларига", "Ўзод хотин-қизлар қўшиғи", "Бу кун — 8 март", "Хотин қизлар овози", 1928 йилда эса "Хўжум", "Му-борак", "Ўзилган чечаклар", "Турсуной марсияси" каби шеърлар ёзди. Уларнинг барчаси аёлларни маърифатга қаровчи гоёлар билан сўририлган эди.

1927 йил июль ойида Ҳамза Кўкон темир йўл ишчилар клубида ҳаваскорлар гуруҳини тузади ва режиссёрлик қилади. Шоирнинг Кўкон ёшлари орасида таъсири кучли бўлган. У қандай янги шеър ёзган ва қуй яратган бўлса, тез орада мактаблардаги адабиёт ва санъат тўғра-қарларида ёд олинар ва шахарга ёйлар эди. Муҳим иқтимоий-сиёсий масалалар борасидаги ҳур фикрлари "Йиғла, Туркистон", "Жонларнинг жаноми Ватан", "Дардига дармон истамас" шеърларида, "Лошон фожиаси", "Мухторият ёки автономия", "Бурғини қозилар", "Эл қўзғун-лари", "Жаҳон сармосининг охири кунлари" каби асарларида ўз ифодасини топган. Миллатнинг зиёли фарзандлари жонига хатар солган мураккаб ва зиддиятли даврларда Ҳамза ижодида муросага мойиллик, қомфирқа мафқураси таъсирига ёл бериши сезилиб туради.

Ҳамза Ҳақимзода Ниёзий халқини, шунингдек, ёш авлодни ўқитиш, маърифатли қилиш, тарбиялаш ишига ўзининг бутун иқтидорини, умрини бағишлади. Лирик шоир, демократ-маърифатпарвар кўчир сиёсатида ижод қилди. Афсуски, у яратган ижод намуналаридан бир қўл-ланма китоб, бир роман, тўрт драматик асар матни ёки улардан бирор қисм шу вақтгача топилган эмас. Демак, Туркистон халқлари тарихида чўқур из қолдирган улкан иқтимоий-сиёсий ҳаракат — жадидчилик янгидан, ҳолисона ўргани-лиши лозим бўлган тарихий жараёнлар жумласидандир.